

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

РАСУЛОВ ЖАХАНГИР РАВШАНОВИЧ

**“ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА КОРХОНА
БЮДЖЕТИНИ ТУЗИШ МУАММОЛАРИ ВА УНИНГ БОШҚАРУВ
ҲИСОБИДАГИ ЎРНИ”**

Мутахассислик: 5А340901 – «Бухгалтерия ҳисоби»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.д. проф, Б.К. Хамдамов

Тошкент – 2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. Бошқарув ҳисобида корхона бюджетини тузишнинг назарий асослари	10
1.1 Жаҳон молиявий инқирози шароитида корхона бюджетини моҳияти ва уни шакллантириш.....	10
1.2 Корхона фаолиятини режалаштиришда бюджетлаштиришни тутган ўрни.....	19
II БОБ. Харажатларни режалаштириш ва назоратида бюджетлаштиришни ташкил қилиш	30
2.1 Бош бюджет, унинг таркиби ва тузиш тартиби.....	30
2.2 Пул маблағлари бюджети ва сотиш ҳажмини режалаштириш.....	42
2.3 Харажатлар ва маҳсулот таннархини режалаштиришнинг хусусиятлари.....	49
III БОБ. Корхоналар бюджетини тузиш муаммолари ва уларни бартараф этиш чоралари	58
3.1 Мослашувчан ва статик бюджетнинг аҳамияти ва ривожлантириш.....	58
3.2 Иқтисодий таҳлилдан фойдаланган ҳолда бюджетлаштиришнинг самарадорлигини ошириш.....	67
Хулоса ва таклифлар	74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	77
Иловалар	84

Кириш

Магистрлик диссертация иши мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги кенг кўламли ислохотлар бугунги кунда, айниқса ҳозирда ҳукм сураётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида, ўзининг натижалари ила нақадар самарали ва тўғри эканлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Ҳозирги жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози рўй бериб турган шароитда Президентимиз И.А.Каримов қайд қилиб ўтганларидек: «Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, ва юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборатдир»¹.

Президент И.А.Каримовнинг бу кўрсатмаларидан келиб чиқаётганда ҳозирги замон молиявий иқтисодий инқироз мазмунини, уни келиб чиқиш сабабларини турли мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини аниқлаш, ундан чиқиш чора тадбирларини белгилаш, инқироз даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққиёти хусусиятларини очиб бериш ката ахамиятга эга бўлиб қолди.

Бу масалаларнинг назарий ва амалий жавобини топиш учун биринчи манба бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари ҳисобланади.

Хусусан, қисқа муддат ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, аҳоли даромадларининг ўсиши таъминланди, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнлари кучайди, кишлоқ хўжалиги ислоҳ қилинди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси барқарор

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009. 4 бет.

ривожлантирилмоқда, молия-банк тизими мустаҳкамланиб ва такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиб, кейинги йилларда ўз иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш мақсадида «Ўзбек модели»ни ишлаб чиқариб, уни кенг миқёсда амалга ошириб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ижобий натижаларни қўлга киритмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни юқори суръатларда ривожлантирилмоқда, жаҳон хўжалиги ва иқтисодиётига фаол кириб бормоқда.

Жаҳондаги ишлаб чиқариш тараққиёти ҳозирги пайтда: биринчидан, алоҳида мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши натижасидир, иккинчидан, жаҳон мамлакатларида интеграциялашув жараёнини ривожланиб бориши ва учинчидан, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви асосида ҳар томонлама ривожланиш натижаси ҳисобланади.

Ҳозирги глобаллашув даврида жаҳон иқтисодиётининг тараққиётида ҳалқаро, миллий иқтисодиётлардан устун турадиган манфаатлар амалга оширилмоқда.

Шундай жараёнлардан бири бўлиб, албатта, ҳозирги даврда юз бераётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳисобланади.

Дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳар хил даражада бўлганлиги ва улар ўз ижтимоий тараққиётида ҳар хил тизимларга асосланганлиги, турлича хўжалик юритиш усулларида фойдаланилгани сабабли, уларнинг иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳар хил таъсир қилиш мумкинлигини кўзда тутиб И.А.Каримов шундай дейдилар: «молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлик мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви, ликвидлиги, уларнинг чет эл ва корпоратив банк

тузилмаларига қанчалик қарам эканлигига, шунингдек олтин валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижаси мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ»¹. Бу фикр мулоҳазаларнинг асосланганлиги Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар мисолида тўлиқ тасдиқланмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиш шарт-шароитларига тўхталиб И.А.Каримов қайд қиладики: «жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш. Унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамият миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир бири билан уйғунлигига боғлиқ»².

Шундай экан мамлакатимиз инқироз шароитига қарамасдан ривожланишда тўхтаб қолгани йўқ. Президентимиз И.А. Каримов 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидаги рақамларни келтириб ўтдилар, 2010 йил якунларига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 8,1 фоизга, чакана товар айланмаси 14,7 фоизга, пуллик хизматлар 13,4 фоизга кўпайди. Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Иқтисодиётга солиқ юкининг камайтирилгани ҳолда Давлат бюджети ялпи

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009. 5-6 бетлар.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009. 6 бет.

ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичидан ошмади.

Банкларнинг капиталлашувини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар республика банк тизими капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичи умумий қабул қилинган ҳалқаро стандартларга нисбатан ҳам 3 барабар юқори бўлишини таъминлади. Банкларнинг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари 35 фоизга ўсди, бунда кредит портфелининг умумий ҳажмида узоқ муддатли инвестиция кредитларининг улуши 75 фоиздан ошди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилдаги 50,1 фоиздан 52,5 фоизгача ўсишини таъминлади.¹

Президентимиз таъкидлаганларидек «Айни пайтда биз ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделининг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна тасдиқлаб бермоқда.

Ушбу моделнинг тамойиллари асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширганимиз инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ва беқарорликнинг иқтисодиётимизга, молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини беради».²

¹ Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент И.А. Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлаб ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// «Халқ сўзи», 2011 йил 22 январь.

² Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент И.А. Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлаб ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// «Халқ сўзи», 2011 йил 22 январь.

Бугун дунё иқтисодиётидаги аҳволни таҳлил қилар эканмиз, жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози хали-бери ниҳоясига етгани йўқ, деб айтишимиз мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни мавжудлиги биз танлаган диссертация иши мавзусининг долзарб эканлигидан далолат беради.

Магистрлик диссертация иши мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда корхона бюджетини тузиш, бюджетлаштиришга оид изланишларни олимларимиз Абдукаримова М.Р., Болибеков Б.О., Вахобов А.В., Пардаев А.Х., Хамдамов Б.К., Хасанов Б.А., Хошимов А.А. олиб боришган. Дунё олимларидан Брейли Р., Бригхем Ю., Гапенски Л., Койль Б., Кинг А., Мавровитис Б., Фенлон П., Финнерти Д., Ван Хорн бюджетлаштириш муаммоларига оид тадқиқотлар олиб борганлар. Россия олимларидан Бланк И.А., Живалов В.Н., Ковалев В.В., Стоянова Е., Щиборщ К.В. ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Магистрлик диссертация ишининг мақсади. Мазкур диссертация ишининг мақсади республикамизда ҳамда бутун дунёда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхона бюджетини тузиш муаммоларини ўрганиш, мавжуд тажрибани умумлаштириш ва амалиётни таҳлил этиш натижаларига таянган ҳолда уни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Магистрлик диссертация ишининг вазифалари. Диссертация олдида кўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- инқироз шароитида бюджетлаштириш жараёнини корхонани бошқариш жараёнининг умумий схемаси билан интеграциялашувига олиб келишини таъминлаш;
- корхона молияси, пул маблағларини бошқаришнинг фойдалилигини оширадиган корхона бюджетини тузиш ҳамда уни корхона фаолиятига кўрсатаётган таъсирини назорат қилиш ва таҳлил қилиш йўналишларини ишлаб чиқиш;

- корхона фаолиятини режалаштириш, назорат қилиш тажрибаларини умумлаштириш асосида илмий хулосалар шакллантириш;
- корхона фаолиятини режалаштиришга таъсир этувчи бюджетлаштиришнинг аҳамиятини, истиқболини ва ўрнини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;
- корхоналарда харажатларни режалаштириш муаммоларини очиб бериш, бюджетлаштириш ёрдамида бу муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;
- инқироз шароитида бир неча корхоналар ночор аҳволда қолганлиги сабабли, корхоналар ўз бюджетларини тузишда дуч келаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш чораларини кўрсатиш.

Магистрлик диссертация ишининг объекти. Мамлакатимиз иқтисодиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшиб келаётган корхона, ташкилот ва «Кафолат» Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг молиявий фаолиятини ўрганиш, режалаштириш, таҳлил қилиш мазкур тадқиқотнинг ишининг объекти бўлиб хизмат қилади.

Магистрлик диссертация ишининг предметини корхоналар фаолиятини режалаштиришда қўлланиладиган бюджетлаштириш, корхона бюджетини тузиш, унинг турлари ва таркиби ташкил этади.

Магистрлик диссертация ишининг илмий янгилиги. Корхона бюджетини тузиш муаммолари ўрганилганига кўра, тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- Инқироз шароитида бюджетлаштириш жараёнини корхонани бошқариш жараёнининг схемаси билан интеграциялаштирилди, бу ҳол корхонани бошқаришда самарадорликка олиб келади;
- Корхона молияси, пул маблағларини бошқаришнинг самарадорлигини оширадиган корхона бюджети тузилди ҳамда

уни корхона фаолиятига кўрсатаётган таъсири назорат ва таҳлил қилинди;

- Корхона фаолиятини режалаштиришга таъсир этувчи бюджетлаштиришнинг аҳамияти, истиқболи ва ўрни беқиёслиги ўрганилди;
- Корхоналарда харажатларни режалаштириш муаммоларининг очиб берилиши, бюджетлаштириш ёрдамида бу муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди;
- Инқироз шароитида ночор аҳволда қолган корхоналар бюджетини тузишда дуч келаётган муаммолар ўрганилди ҳамда бартараф этиш чоралари кўрилди.

Магистрлик диссертация ишининг назарий ва услубий асослари.

Ушбу магистрлик диссертация ишининг назарий асоси бўлиб, ҳисоб тизимини ислоҳ қилишга қаратилган ва мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент И.Каримовнинг илмий асарлари, корхона бюджетини тузиш бўйича хорижий ва маҳаллий олимлар ҳамда мутахассисларнинг назарий қарашлари ва ғоялари хизмат қилди.

Магистрлик диссертация ишини ёзишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика кўмитасининг статистик маълумотларидан, айрим корхона, ташкилот ва «КАФОЛАТ» Давлат акциядорлик суғурта компанияси (ОАЖ)нинг ҳисобот маълумотларидан самарали фойдаланилди. Шунингдек, иқтисодий таҳлилнинг таққослаш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, таркибий ва миқдорий таҳлил каби усулларига таянилди.

I БОБ. Бошқарув ҳисобида корхона бюджетини тузишнинг назарий асослари

1.1 Жаҳон молиявий инқирози шароитида корхона бюджетини моҳияти ва уни шакллантириш

Ҳозирги кунда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида корхоналар фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда, уларни инқирозга дош бериб ишлашига имконият яратишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳар бир корхонанинг фаолияти уни режалаштиришдан бошланади, режалаштириш жараёнида иккита муҳим тадбир мавжуд:

1. Дастурлар ишлаб чиқиш;
2. Тегишли бюджетларни шакллантириш.

Режалаштириш натижасида кўзда тутилган узоқ муддатли стратегик мақсадга эришиш учун бир неча дастурлар ишлаб чиқилади: ишлаб чиқаришнинг ускуна ва материаллар билан таъминлаш дастури; ишлаб чиқаришни малакали ишчи кучи билан таъминлаш; ишлаб чиқилган маҳсулотларни сотишнинг оптимал дастури ва ш.к.

Ана шу ҳар бир дастурнинг ишлаши, яъни дастур доирасида белгиланган тадбирлар бажарилиши маълум миқдордаги маблағ билан таъминлашни талаб қилади. Шунга мувофиқ, дастурлар бўйича тегишли бюджетларни ишлаб чиқиш ва шакллантириш – режалаштиришдаги муҳим бир омилдир. Анъанавий тарзда бюджет икки қисмдан иборат бўлиб, унинг дастлаб даромад қисми шаклланиши таъминланади, сўнгра шаклланган маблағларни харажат қилиш моддалари белгиланади. Дастурлар бўйича тегишли бюджетларни тузиш корхона миқёсида бошқарувни бир тизимга солишни таъминлаб қолмасдан, келгусида оператив тарзда ҳар бир дастурнинг бажарилишини кузатиш, тегишли ўзгаришларни зудлик билан

киритиш, четланишларни аниқ ҳисоблаш, турли омиллар таъсирини ҳисоблаш, таққослама таҳлиллар қилиш ва умуман, асосли бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлайди. Корхона раҳбарига бошқарув маданияти шаклланишини таъминлайди.¹


Одатда, бюджет ҳақида гап кетганда жуда кўпчилик корхона раҳбарлари ўзларини ғайритабиий сезишади. Сабаби, бюджет атамаси одатда давлат молиясига, давлат бюджети тушунчалари билан боғлиқ, деб қарашади ҳамда уни харажатлар сметаси кўринишида тасаввур қилишади. Корхона миқёсида эса бу тушунчанинг асл моҳиятига тегишли даражада эътибор қаратишмайди. Замонавий корхона раҳбарлари келажакда фаолияти самарали бўлишини, тобора кескинлашиб борадиган рақобатга чидаманинг ортиб боришини астойдил исташса – бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш мақсадида бюджетни корхона ва ташкилотлар миқёсида тушуниш – бутунлай бошқа маънони англатишини эътироф эта билишлари лозим.

Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, корхона миқёсида бир неча бюджет тузилиб, шунга мувофиқ, уларнинг якуний умумлаштирувчиси сифатида бош бюджет ҳам тузилади. Корхона амалиётида тузиладиган бюджетнинг туб моҳияти ана шу анъанвий бюджет таркиби ва моҳияти билан ўхшаш бўлганлиги учун ҳам бир қатор иқтисодчи олимлар уни шу номда қолдириб, фойдаланишни таклиф қилдилар. Бу фикрга албатта қўшилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. (1.1.1-чизма)

Келгусида амалга оширилиши белгиланган дастурлар доирасидаги тадбирлар бўйича бюджетни ишлаб чиқиш дастурларни ишлаб чиқиш каби режалаштиришнинг муҳим жараёни ҳисобланади. Бюджет билан дастурлаш жараёнининг асосий фарқи шу билан белгиланадики, дастур истиқболдаги

¹ Пардаев А.Х., Парадаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. –Т.: 2008, 99-бет

бир неча йиллар (1 йил, 2-3 йил, 5-10 йил) учун тузилиши мумкин. Бюджет эса ҳар бир тадбирлар гуруҳи учун максимал тарзда бир йилга тузилади.



1.1.1-чизма. Бюджетни тузиш

Бюджетларни ишлаб чиқиш корхонада бошқарув ҳисоби тизимини ташкил қилишнинг асосларидан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасида келиб чиқиб, шу нарсани қайд этиш лозимки, мавқеи ва кўламадан қатъи назар, барча корхоналар ўз фаолиятларини самарали олиб бориш мақсадида бир неча бюджетларни тузадилар. Бу эса, ўз навбатида, корхона фаолиятини режали тарзда бошқариш имконини яратади.

Маълумки, корхона фаолиятини режалаштиришда асосий эътибор фойда олишга қаратилган бўлади. Фойда олиш режаси, ўз навбатида, корхонанинг йиллик бюджети асосини ташкил этади. Қайд қилиш лозимки, нафақат тижорат мақсадларини кўзловчи, балки нотижорат корхоналари ҳам ўз бюджетларини тузишлари мумкин.

Бюджет – бу режалаштирилган фаолиятни амалга оширишдан олдин тузиладиган молиявий ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, бюджетни молиявий тадбирлар режаси сифатида ҳам талқин этишади. Бюджет атамасини фақатгина қоғозда акс эттирилган молиявий ёки бошқа маълумотлар сифатида тушуниш тўғри эмас, чунки у келгусида амалга ошириладиган бир нечта тадбирларнинг режаси кўринишида ифодаланади. Шундан хулоса қилиш лозимки, бюджет орқали келгусидаги молиявий жараёнларнинг истиқболи белгиланади. Иқтисодий адабиётлардан маълумки, бюджет турли кўринишларда ифодаланиши мумкин. Корхонанинг бухгалтерия ҳисобида юритиладиган бухгалтерия баланси ёки молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган маълумотлардан фарқли равишда, бюджет қатъий тартибда бажарилиши лозим бўлган стандартлаштирилган шаклга эга эмас. Хусусан, бюджет кичик бир дўконнинг оддий олди-сотди ҳисоботи шаклида ҳам, йирик бир банкнинг мураккаб молиявий дастури кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Бюджетнинг таркиби унда қандай моддалар акс эттирилишига, корхонанинг ката-кичиклигига, шунингдек, уни ишлаб чиқувчиларнинг малакаси ва тажрибасига боғлиқ.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан маълумки, давлат бюджети фуқароларга кенг тарғиб қилинади. Бюджетнинг моҳияти ундан фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши учун у осон ва тушунарли шаклдаги маълумотлардан иборат бўлиши лозим. Бюджетни кенг оммага етказиш учун маълумотлар қисқа ва аниқ бўлиши лозим, чунки маълумотларнинг керагидан ортиқлиги ёки етишмаслиги бюджет моҳиятини тушунишни

қийинлаштиради. Бюджет бир вақтнинг ўзида ҳам даромадлар, ҳам харажатларни ўзида ифода этмаслиги, шунингдек, уларнинг баланслашган кўринишида бўлиши ҳам шарт эмас. Масалан, хом ашё ва материаллардан фойдаланиш бюджети фақатгина хом ашё ва ярим фабрикатлар харажатлари режасини ўз ичига олиши мумкин. Шунингдек, бюджет пулсиз кўринишда ҳам тузилиб, унинг таркибида меҳнат соати, маҳсулот бирлиги, хизматлар миқдори каби ўлчамлар қўлланилади.

Бюджетни тайёрлашда унинг аниқ сарлавҳаси ёки номланиши ва қайси муддат учун тузилаётганлиги кўрсатилиши лозим. Бюджетнинг белгиланган шакли уни ишлаб чиқувчилари томонидан тузилади. Корхона ўзи учун мос бўлган шаклдаги бюджет кўринишини ишлаб чиқиб, ундан доимий равишда фойдаланиши мумкин. Агар бюджетга янги маҳсулот ёки хизмат тўғрисидаги маълумотларни киритиш зарурати туғилса, ушбу ҳужжатга янги моддалар қўшилиб, бюджетнинг шакли ўзгариши мумкин. Бюджетни тузишда ҳар доим асосий қоида – маълумотларни имкон қадар қисқа, аниқ ва фойдаланувчи учун муҳим бўлишига амал қилиш лозим.

Иқтисодий адабиётларда кўпинча бюджет режа сифатида ифодаланиб, у миқдор (кўпинча пул)га тузилган бўлади.

АҚШнинг бошқарув ҳисобини юритиш бўйича ҳисобчилар институтининг таъкидлашича, бюджет бу “пул кўринишидаги миқдорий режа бўлиб, у маълум муддатгача тайёрланиб тасдиқланган, одатда эришилиши лозим бўлган режалаштирилган даромадалр ҳажми ёки ушбу муддат давомида ишлатилиши керак бўлган харажатлар ва мақсадга эришиш учун жалб қилиниши зарур бўлган капиталларни ифодалайди”¹.

Тегишли бандларга ажратилган бюджет кўпинча келгусидаги чекланган муддат (одатда бир йил) учун тузилади ва у кичикроқ (чораклар, ойлар ёки ҳафталик) муддатларга бўлинади. Бюджетни бу турдаги қисқа

¹ Пардаев А.Х., Парадаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. –Т.: 2008, 107-бет

муддатларга режалаштириш бошқарув назоратини амалга оширишга ёрдам беради. Назорат муддатининг якунида амалда бажарилган ишлар бюджет бандлари билан жорий фаолиятни таҳлил ва баҳолаш учун солиштирилади. Шу борада ойлик муддатлардан кўра тўрт ҳафталик муддатни таққослаш анча қулай ҳисобланади. Чунки ҳар бир ойда кунлар сони турличалиги учун таққосланганда маълум бир ноаниқликларга олиб келиши мумкин.

Амалиётда йиллик бюджет кўпинча чоракларга бўлинган ҳолда тузилади ва фақатгина биринчи чоракдаги тадбирлар ойлар бўйича тақсимланади. Йил давомида бюджет шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

Одатда, амалиётда узлуксиз ёки эгилувчан бюджетлар, деб ном олган бюджет турлари кенг қўлланилади. Уларнинг асосий моҳияти – ҳар бир ой ёки чорак тугагандан сўнг бюджетнинг тегишли бандларига ўзгартиришлар киритилиш имконияти мавжуд бўлади ва шу тартибда кейинги муддатга мўлжалланган бюджет моддалари таклиф қилинади. Бу ўз навбатида йиллик режалаштиришнинг узлуксизлигини таъминлайди. Умуман олганда, бюджетни ишлаб чиқиш даврийлиги аниқ бир корхонанинг режалаштирилаётган маълумотлари ва эҳтиёжлари ҳажмини инобатга олган ҳолда аниқланади.

Корхона томонидан кўшимча инвестициялар талаб қиладиган янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш, янги технологиялар ва жиҳозларни жорий этиш билан боғлиқ бўлган катта ўзгаришлар амалга ошса, бюджет беш йиллар ва ҳатто ундан ҳам кўп бўлган муддатларга тузилади. Эътироф этиш лозимки, корхоналар амалиётига эндигина жорий қилинишига қарамасдан, бюджетдан узоқ муддатли режалаштиришнинг асоси сифатида фойдаланадиган корхоналар сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

Бюджетлар корхонанинг умумий фаолияти. Шунингдек, унинг таркибий бўлинмалари ёки фаолиятнинг алоҳида йўналишлари учун ишлаб чиқилади.

Ривожланган мамлакатлар амалиётда кенг фойдаланиб келинаётган бюджет бевосита бир қатор муҳим *функцияларни* бажаради. (1.1.2-чизма)

Хусусан:



1.1.2-чизма. Бюджетнинг функциялари.

Режалаштириши. Режалаштиришнинг асосий қарорлари, одатда, дастурларни тайёрлаш жараёнида ишлаб чиқилади ва бюджетни ишлаб чиқиш жараёни ушбу режаларни аниқлаштириш учун ишлатилади. Бюджетни ишлаб чиқиш жараёни режалаштиришнинг энг аниқлаштирилган шакли ҳисобланади. Бюджетлар корхонанинг яқин муддатдаги фаолиятларини белгилаб беради.

Мувофиқлаштириши. Корхонанинг барча таркибий бўлинмалари бир-бирининг фаолиятига таъсир кўрсатади. Бюджетни ишлаб чиқиш жараёнида

корхонанинг айрим фаолият турлари шундай мувофиқлаштириладики, бунда барча бўлимлар биргаликда иш олиб борган ҳолда, корхонанинг умумий мақсад ва вазифаларини амалга ошишини таъминлайди. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ишлаб чиқариш режалари билан мувофиқлаштирилган бўлиши лозим, яъни режалаштирилган сотув ҳажми ва тайёр маҳсулотнинг мақбул бўлган захиралар даражасини инобатга олиб, сўнгра маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаши лозим. Шунингдек, хом ашё ва материалларни сотиб олиш режаси маҳсулот ишлаб чиқариш эҳтиёжидан келиб чиқиши керак.

Корхонанинг барча ходимлари қўйилган режаларнинг моҳиятини тўлиқ тушуниб етмагунича бошқарув томонидан белгиланган мақсадга эришиб бўлмайди. Ушбу режалар ўз ичига қанча маҳсулот ёки хизмат турларини ишлаб чиқиш, бу борада қандай усуллар, иш кучи ва жиҳозлардан фойдаланиш, қанча миқдордаги хом ашё материалларини сотиб олиш, сотув нархини белгилаш, келгусида қандай чекловлардан қочиш каби аниқ бандларни олади. Тасдиқланган бюджет миқдорий ахборот билан мавжуд бўлган чекламаларни мувофиқлаштирувчи энг муҳим восита саналади.

Рағбатлантириши. Бюджетни ишлаб чиқиш жараёни корхона олдида қўйилган муштарак мақсадларга эришишда раҳбарият томонидан кучли рағбатлантириш воситаси сифатида ҳам ишлатилиши мумкин. Ҳар бир раҳбар ўз бўлимидан кутилаётган натижани аниқ билиши лозим.

Агар менежерлар ўз бўлинмасининг бюджетини ишлаб чиқишда фаол иштирок этса, бу бюджетнинг рағбатлантирувчи роли янада ошади.

Назорат. Бюджетни тузаётган вақтда кейинчалик бўлиши мумкин бўлган, яъни кутилаётган натижа тўғрисидаги прогноз-ҳисобот деб тушуниш мумкин. Пухта ҳисоб-китоблар асосида тайёрланган бюджетни амалда эришилган натижалар билан таққослаш энг қулай мезондир. Чунки ушбу бюджетни ишлаб чиқиш даврида башорат қилинган барча ўзгаришларни баҳолаш самарасини ўз ичига қамраб олган бўлади.

Амалиётда аксарият ҳолларда нтижаларни ўтган йиллар билан таққослаш умумий амалиёти қўлланиб келинмоқда. Лекин ушбу таққослаш тури айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Масалан, кўрсаткичларни бир-бири таққослаганда фаолият йўналиши ҳамда келгуси йилга режалаштирилган дастурлардаги ўзгаришлар инобатга олинмайди.

Амалда эришилган натижалар бюджет кўрсаткичлари билан таққосланганда биринчи навбатда менежерларнинг эътиборини нимага қаратишни ва қандай бошқарув тадбирларини амалга ошириш лозимлигини кўрсатади. Амалда эришилган натижалар билан бюджетда акс эттирилган кўрсаткичлар орасида вужудга келган фарқнинг таҳлили:

- 1) Биринчи навбатда эътибор берилиши лозим бўлган муаммоли соҳаларни аниқлаштиришга ёрдам беради;
- 2) Бюджетни ишлаб чиқиш жараёнида кўзда тутилмаган янги имкониятларни очади;
- 3) Дастлабки ишлаб чиқилган бюджетдаги мавжуд хатоларни кўрсатади.

Баҳолаш. Бюджетнинг ҳар бир банди бўйича ҳар ойда аниқланиши лозим бўлган тадбир, яъни бюджетдан четланишларни ҳисоблаш йил давомида назорат мақсадларида хизмат қилади. Амалда эришилган натижалар бюджет кўрсаткичлари билан таққослаганда ҳар бир бўлим ва унинг раҳбари фаолиятини реал баҳолаш имконияти очилади. Айрим корхоналарда бюджетнинг маълум моддалари бўйича ижобий четланишга эришган мутахассис ва раҳбарлар учун уни бир вақтнинг ўзида рағбатлантириш механизми сифатида самарали ишлатиш мумкин.

Малака ошириш ҳамда ўқитиш – ўргатиш. Бюджет менежерларнинг малакасини ошириш борасида самарали ҳамда қулай восита ҳисобланади. Бюджетни ишлаб чиқиш жараёнида раҳбар ўз бўлими фаолияти ва унинг бошқа бўлимлар билан биргаликда олиб браётган ишлари ҳақида батафсил

маълумотга эга бўлади. Бу айниқса, янги тайинланган раҳбар ходимлар учун зарурдир. Йиллик бюджетни ишлаб чиқиш тажрибасига эга ҳар бир ходим бу жараённинг ижобий ва фойдали томонларини яхши билади. Бюджет менежерларнинг иқтисодий билимлар базасини кенгайтириб боришни талаб қилади, таҳлил қилиш, бунинг учун ўрганиш, гуруҳлаш, баҳолаш ва хулосалар чиқариш каби қарорлар ва ҳаракатлар қилишга ундайди.

1.2. Корхона фаолиятини режалаштиришда бюджетлаштиришни тутган ўрни

“Бюджет” атамаси кенг маънода, давлат миқёсида иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, ялпи ички маҳсулотнинг қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида ҳукумат ихтиёрида марказлашган пул фондларининг, корхоналар ихтиёрида эса марказлашмаган пул фондларининг шаклланиши ва улардан оқилона фойдаланишни англатади.

Тор маънода эса, “бюджетлаштириш” атамаси ҳали бизнинг иқтисодий адабиётларда атрофлича ёритилмаган, чунки корxonанинг доимий асосга қўйилган комплекс режалаштириш, назорат ва хўжалик фаолияти таҳлили тизими шу пайтгача фақатгина бизнес-режалаштириш билан чекланган эди.

Тараққий этган мамлакатлар бошқарув ҳисобида режалаштириш жараёнини таърифлаш учун “бюджетлаштириш” атамасидан кенг фойдаланилади.

Бюджетлаштириш корxonанинг маълум даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш ҳисобланади.

Бюджетлаштиришнинг афзаллиги корхона моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларини узоқ, қисқа ва ўрта муддатли режалаштириш, рақобатчиларнинг хатти-ҳаракати, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган бозор талабларини ўрганишда ўз ифодасини топади. Бюджетлаштиришда

асосий эътибор маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинадиган даромад (фойда) ҳажмини тахминлашга қаратилади.

Бюджетлаштиришнинг қуйидаги ижобий жиҳатлари мавжуд:

- корхонанинг асосий мақсадини таъминлашда хизмат қиладиган жараёнларни режалаштиради;

- алоҳида бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

- корхона бўлинмалари раҳбарларини ўз вазифаларини самарали амалга оширишларига кўмаклашади;

- корхона ходимларини ички тартиб-қоидаларга риоя қилишларини таъминлашга хизмат қилади;

- корхона алоҳида бўлинмалари раҳбарларини белгиланган режаларнинг бажарилиш даражасини баҳолашларида асос бўлади.

Бюджетлаштириш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади:

- корхонанинг мақсадларга эришишини таъминловчи хўжалик муаммоларини режалаштириш;

- барча даражадаги раҳбарларни ўзлари жавобгар марказлар мақсадига эришишларида рағбатлантириш;

- турли хил бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Бунда бўлинмалар ходимларининг манфаатлари эътиборга олинади;

- корхона жорий фаолиятини назорат қилиш, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилинишини таъминлаш;


- жавобгарлик марказлари ва улар менежерлари олдида қўйилган режаларнинг бажарилишини баҳолашда асос вазифасини ўташ;

- менежерлар малакасини оширишда кўмаклашиш.

Қуйида ушбу вазифаларга батафсилроқ тўхталамиз.

Режалаштириш. Кўпчилик ҳолларда, бошқарув қарорлари бўйича режалар ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш жараёнида шакллантирилади ва бюджетларни тузишда мазмунан аниқлаштирилади.

Амалиётда режалаштиришнинг қуйидаги кенг қўлланадиган учта тури мавжуд: (1.2.1-чизма)



1.2.1-чизма. Режаларни таснифланиши.

Аммо таъкидлаш жоизки, режалаштирилган мақсадга эришиш борасидаги белгиланган тадбирлар бўйича дастурлар тузиш амалиётига барча корхоналарда ҳам етарлича эътибор қилинмайди.

Мувофиқлаштириш. Корхонанинг ҳар бир жавобгарлик маркази бошқа жавобгарлик марказлари иш жараёнига таъсир этади ва уларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади.

Бюджетларни тайёрлашда алоҳида фаолият турлари ўзаро мувофиқлаштирилади, бунда барча бўлинмалар келишув асосида, корхона умумий мақсадидан келиб чиқиб фаолият кўрсатади. Бу ҳолатда ишлаб чиқариш режасини маркетинг бўлими режаси билан мувофиқлаштириш, жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини режалаштирилган сотиш ҳажми ва тайёр маҳсулотлар қолдиғи билан таққослаш асосий талаблардан ҳисобланади. Хомашё ва материалларни сотиб олишни режалаштиришда ишлаб чиқариш бюджетида ифодаланган маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган талаб таҳлил қилинади.

Ишлаб чиқилган режалар барча қатнашчилар уларнинг шартлари билан тўлиқ танишиб олмагунча амалга оширилмаслиги лозим.

Режалар куйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

- қанча маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) ишлаб чиқарилади;
- ишлаб чиқаришда қатнашадиган ходимлар, фойдаланиладиган усуллар ва асбоб-ускуналар тўғрисида маълумотлар;
- қанча хомашё ва материаллар сотиб олинади;
- сотиш баҳоси қандай белгиланади, келгусида қандай чекловларга риоя қилинади ва ҳ.к.

Ушбу маълумотлар реклама, техник хизмат кўрсатиш, маъмурий ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини режалаштириш ҳамда маҳсулот сифатини самарали бошқаришга имкон беради.

Рағбатлантириш. Бюджетларни тузиш жараёни жавобгарлик марказлари раҳбарлари мақсадини амалга оширишда муҳим рағбатлантириш воситаси бўлиши мумкин.

Бюджетларнинг рағбатлантириш роли кўпроқ менежерларни ўз бўлинмаларида бюджетларни тузиш жараёнида фаол қатнашишларида намоён бўлади.

Назорат. Пухта тайёрланган бюджетлар ҳақиқий эришилган кўрсаткичларни таҳлил қилишда муҳим манба ҳисобланади, шунингдек, улар бюджетларни тузиш жараёнида кутилган барча ўзгаришлар натижаларини баҳолашни ўз ичига олади.

Ҳозиргача корхоналар амалиётида жорий натижалар ўтган йил натижалари билан таққослашнинг асосий воситаси сифатида ушбу усулдан фойдаланмоқда. Аммо бу тарихий усул жорий йил учун режалаштирилган ривожлантириш дастуридаги ўзгаришларни акс эттирмайди.

Ҳақиқий кўрсаткичларни бюджет маълумотлари билан таққослаш бошқарув фаолиятида асосий эътиборни қайси жиҳатларга қаратиш зарурлигини белгилаб беради.

Ҳақиқий эришилган натижалар билан бюджет маълумотлари ўртасидаги четланишлар таҳлили қуйидаги афзалликларга эга:

- корхона фаолиятидаги энг аввал ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоли жиҳатларни аниқлашга кўмаклашади;
- бюджетларни тузиш жараёнида ўрганилмаган янги имкониятларни юзага чиқаришга ёрдамлашади;
- бош бюджетдаги мавжуд номувофиқликларни очиб беради.

Баҳолаш. Ҳар ойда бюджетлардаги четланишларни аниқлаш бутун ҳисобот даври учун назорат мақсадларига хизмат қилади. Ҳисобот даври ҳақиқий натижалари билан бюджет маълумотларини таққослаш йил охирида жавобгарлик марказлари ва улар раҳбарлари фаолиятига таъсир этувчи асосий омилларни баҳолаш имконини беради.

Малакани ошириши. Бюджетлар менежерларнинг малакасини оширишда ҳам ижобий самара беради, яъни, менежерлар бюджетларни тузишда ўз бўлинмалари фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотларга, шунингдек, жавобгарлик марказлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни чуқур таҳлил қилиш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Бу эса корхона жавобгар марказларига масъул шахсларни тайинлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бюджетлаштириш самарали бошқарув усулларида ҳисобланиб, қуйидаги хусусиятларга эга:

- корхонанинг фаолияти билан бўлинмалар фаолиятини комплекс режалаштиради;
- бюджетлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш имконини яратади;
- тузилган бизнес-режани тасдиқлаайди;
- ўзгариб турувчи ички ва ташқи салбий омилларни бартараф этишга кўмаклашади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар келгусида даромадларини оширишлари учун ўзларининг фаолиятларини истиқболли режалаштиришлари зарур бўлади. Унинг асосини бюджетлаштириш ташкил этади.

Бошқарув ҳисобининг асосий вазифаси ҳисобланган ва бошқарув назоратини таъминлашда муҳим бўлган режалаштириш жараёни қуйидаги тамойилларга таянади:

- корхона томонидан ишлаб чиқилган стратегияни амалга ошириш учун ўрта ва узоқ муддатли режаларни амалга ошириш учун махсус дастурлар тузиш;
- зарур бюджет (смета)ларни ишлаб чиқиш. Бюджетларни ишлаб чиқиш корхонаи тузадиган режалар асосли бўлиши ва уларни амалга ошириш учун етарли моддий маблағлар мавжуд бўлиши аниқлашга ёрдам беради.

Одатда, режалаштириш жараёни амал қилиш вақтига мувофиқ узоқ, ўрта ва қисқа муддатли, қўйилган мақсадга кўра эса оператив, тактик ва стратегик режалаштиришга бўлинади.

Тезкор ёки қисқа муддатли режалаштириш тизими кун, ҳафта, декада, ой, чорак ёки бир йил давомида амалга оширилади. Бу режалар бош дастур асосида ишлаб чиқилиб, аниқ мақсад ва йўналишга эга бўлади, уларни бажаришда турли хил усуллар қўлланилади. Тезкор режалар корхона асосий мақсадини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тактик режаларни ифода этади. Улар жумласига ишлаб чиқариш режаси, моддий – техника таъминоти режаси кабилар киради.

Тактик ёки ўрта муддатли режалаштириш 3-5 йил муддатни қамраб олиб, корхонанинг узоқ муддатли мақсадларга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқиш ёрдамида амалга оширилади. Мазкур режалаштиришда корхона мақсадининг ресурслар билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинади ва турли хил молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги мутаносибликлар аниқланади.

Стратегик ёки узоқ муддатли режалаштиришда корхонанинг 5-10 йил муддатга белгиланган ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади. Бу концепция корхонани бозорда барқарор ҳолатни сақлаш ва ўз сегментига эга бўлиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, тўлов қобилиятини яхшилаш, фойдани энг юқори даражага олиб чиқиш ва рентабелликни ошириш каби стратегик мақсадларига эришишини таъминлайди. Стратегик режалар бизнесни ва ташкилий тузилмани белгилаш аниқлаб олиш бўйича тузиладиган бош режалар ҳисобланиб, алоҳида эҳтиёж бўлмаса қайта тузилмайди. Уларга янги технологияларни жорий этиш, янги бозорларни ўрганиш ва харидорларни жалб қилиш кабиларни киритиш мумкин.

Узоқ ва ўрта муддатли режалар корхона стратегиясини, қисқа муддатли режалар эса тактикасини амалга оширишга кўмаклашади.

Бизнес-режалаштиришни амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланади:

- бизнес режалаштиришнинг узлуксизлиги;
- қўйилган мақсадга эришиш йўлларида энг мақбулини танлашга имкон берувчи кўп вариантлилиқ;
- корхона ходимларини режалаштиришга тўлиқ жалб этилишини таъминловчи иштирок этишлилик.

Бизнес-режа назарда тутилган бизнеснинг қисқа ва тушунарлилигини, белгилаб олинган асосий вазифаларнинг тўғри ечимларини топишга имкон берувчи муҳим қуролдир.

Бизнес-режа қуйидаги тузилмага эга

1. Бизнес концепцияси;
2. Ҳозирги вақтдаги вазият ва корхона ҳақидаги қисқача ахборот;
3. Бизнес объекти тавсифи;
4. Бозорни тактик таҳлил этишнинг мавжудлиги;
5. Ташкилий режа, шу жумладан, ҳуқуқий таъминот;
6. Ходимлар фаолияти ва бошқарув;
7. Ишлаб чиқариш режаси;
8. Маркетинг режаси;
9. Йирик таваккалчилик ва хавф-хатарлар;
10. Молиявий режа ва молиявий стратегия.

Бизнес-режа кўзда тутилган бизнесни асослаш ва муайян вақт мобайнидаги натижаларни баҳолаш учун мўлжалланади.

Бизнес-режа кўзда тутилган бизнесни асослаш ва муайян вақт мобайнидаги натижаларни баҳолаш учун мўлжалланади.

Бизнес-режа фаолият йўналишини белгилаб олишга ва бизнес бошқаришга имкон берувчи ҳаракат ҳисобланади. Шу сабабли, уни ички хўжалик режалаштирилишининг узвий қисми ёки ижро ва назорат учун амалий қўлланма сифатида эътироф этиш мумкин.

Корхоналарда бизнес-режа инвестицияларни юқори даромад келтирадиган соҳаларга йўналтиришда ижобий самара беради. Шу жиҳатдан

у инвесторлар учун бизнесни молиявий маблағлар билан таъминлашнинг кудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бизнес-режа назарда тутилган бизнес муваффақиятини кафолатлаши ва корхонанинг таваккалчиликка тайёрлигини таъминлаши керак.

Юқорида таъкидланганидек, бизнес режалаштириш – бу маҳорат ва санъатни талаб қилувчи жиддий жараёндр.

Бизнес режалаштиришни жараён сифатида амалга ошириш учун қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилиш лозим:

- корхона фаолият кўрсатаётган муҳитдаги ўзгаришларга доимий мослашувчанлик;
- режалаштиришнинг мослашувчанлик хусусиятларини назарда тутувчи узлуксизлик;
- манфаатлар мувофиқлиги ва интеграциясига асосланган алоқадорлик;
- бизнес-режанинг аввал тузилган бўлимларини умумлаштириш асосидаги такрорланувчанлик;
- қўйилган мақсадга эришишнинг муқобил имкониятлардан энг маъқулини танлаб олишга имкон берадиган кўп вариантлилики;
- корхона барча ходимларини режалаштиришга жалб этиш нуқтаи-назардан жараённи муҳимлигини назарда тутувчи иштирок этиш тамойили;
- режалаштириш жараёнида реал муаммолар ва ўз-ўзига баҳо беришни акс эттиришнинг айнан бир хиллиги.

Бизнес-режаларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари мавжуд:

- ўзаро боғлиқлик муносабатлари бўйича: бунда иккита мустақил бизнес-режа қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинади ва улардан муқобил ҳамда юқори даромад келтирадигани танлаб олинади;
- кутилаётган даромад бўйича: харажатларни қискартириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва технологияларни янгилаш ҳисобига қўшимча

даромад олиш, бозорда муносиб ўринга эга бўлиш, бизнеснинг янги соҳаларини ўзлаштириш, ижтимоий самара ва сифатга эришиш;

- ташкилий ишлар бўйича: аниқ мақсадни белгилаш, бозорни тадқиқ этиш ва юқори имкониятга эга лойиҳалар асосида ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиш.

Таъкидлаш лозимки, техник-иқтисодий асосланиш (ТИА) ҳам кўп жиҳатдан бизнес-режага яқин туради. Ундан бизнес-режанинг асосий фарқи стратегик йўналиши ва тадбиркорлик хусусиятида ҳамда корхона ички имкониятларини ташқи муҳит таъсиридаги ишлаб чиқариш, молиявий фаолиятнинг бозор хусусиятлари билан ўзаро бирикувида намоён бўлади.

Амалиётда кўпгина ҳолларда бизнес режалаштириш асоссиз равишда ички хўжалик режалаштирилиши билан бир хил деб қаралади. Аммо, улар орасида қуйидаги тафовутлар мавжуд:

- ички хўжалик режалаштиришдан фарқли ўлароқ, бизнес-режалаштириш корхона умумий мақсадини эмас, балки фаолиятнинг янги турини режалаштириш ёки бизнес-режанинг мазмунини аниқловчи энг муҳим вазифаларни қамраб олади. Бизнес-режа, асосан, корхона ривожланиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга мўлжалланади, ички хўжаликни режалаштириш эса юқоридагилардан ташқари жорий ва истиқболли фаолиятнинг хилма-хиллигини ҳам ўз ичига олади;

- бизнес-режа, одатда, бажарилиши муайян муддатлар билан белгиланган инновацион лойиҳаларга ишлаб чиқилади, бу муддатлар тугаши билан лойиҳа устида олиб борилаётган иш тугалланади. Ички хўжалик режалаштириши корхонани бошқаришнинг барча даврларида узлуксиз амалга оширилади. Бунда даврий ва йиллик режани бажариш мобайнида тегишли тузатишлар киритилгандан кейин навбатдаги режани амалга оширишга ўтилади ва ҳ.к. Бизнес-режа нафақат аниқ, балки янада торроқ чегараларга эга, ҳар қандай ички хўжалик режаси эса бундай аниқ чекловларга эга бўлмайди;

- бизнес-режа тадбиркорлар янги фаолиятини бошлаши маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур ресурслар, авваламбор молиявий ресурсларга эга бўлиш, шунингдек, ишончли шериклар қидириб топиш, асосий молиявий кўрсаткичларни пухта таҳлил қилишни талаб этади, бунда нафақат ички хўжалик-ишлаб чиқариш фаолияти, балки кредит, молиявий ва банк тизимларида таваккалнинг мавжуд даражаси ҳисобга олинади. Ички хўжалик режалари кўпроқ хусусий равишда фойдаланиш учун, бизнес-режалар эса инвесторлар ва кредитлар олиш учун зарур холос;

- бизнес-режалар корхона раҳбарияти иштирокида ишлаб чиқилади. Ички хўжалик режалаштиришини амалга ошириш билан эса корхонанинг тажрибали менежерлари ва бўлинмалар мутахассислари шуғулланадилар.

Ички хўжалик режасини ишлаб чиқишда ҳар бир тадбиркорнинг шахсан иштироки нафақат реал стратегик ва тезкор мақсадни ишлаб чиқишга имкон туғдиради, балки келажакда харажатлар ва даромадларни солиштириш асосида бизнес-лойиҳани бажаришнинг энг мукамал шаклини ташкил этишни ҳам таъминлайди.

II БОБ. Харажатларни режалаштириш ва назоратида бюджетлаштиришни ташкил қилиш

2.1. Бош бюджет, унинг таркиби ва тузиш тартиби

Хўжалик юритувчи субъектларда бюджетлаштириш жараёни бош бюджетни тузишдан бошланади. Уни тузиш қуйидаги тўртта асосий босқичга ажратилади. (2.1.1-чизма):

Бош бюджет корхонанинг раҳбарлари учун муҳим бўлиб, режалаштирилган ҳисобот даврида улар олдида турган мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш ҳамда ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, даромадлар ва харажатларнинг шаклланиш жараёни, ҳисоб-китоб ва тўловлар ҳолатини доимий равишда кузатиб боришга имкон беради.

Бош бюджетни тузиш инвестиция қилинган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда корхона мулкдорлари учун ҳам зарур ҳисобланади.


Бюджетларни тайёрлашда қуйидаги сметалар тузилади:

- а) моддий харажатлар сметаси;
- б) асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи харажатлари сметаси;
- в) ишлаб чиқариш хусусиятига эга устама харажатлар сметаси;
- г) маъмурий-бошқарув харажатлари сметаси.

Бош бюджетни тузишнинг якуний босқичи кутилаётган фойда ёки зарар тўғрисидаги умумлаштирилган сметани тузиб чиқиш ҳисобланади.

Мазкур смета қуйидаги кўрсаткичларни ўзида акс эттиради:

- а) маҳсулотлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;
- б) ишлаб чиқаришга сарфланадиган хомашё ва материаллар харажатлари;



2.1.1-чизма. Корхонада бюджетлаштириш босқичлари ва уни амалга ошириш.

в) асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатлари;

г) ишлаб чиқариш хусусиятидаги устама харажатлар;


д) сотилган маҳсулотлар таннархи;

е) сотиш ва маъмурий-бошқарув харажатлари;

з) ишлаб чиқаришдан кутилаётган фойда ёки зарар.

Корхонанинг бош бюджети операцион, инвестиция ва молиявий бюджетлардан ташкил топади (2.1.2-чизма).

Операцион бюджетнинг асосий мақсади молиявий маблағларнинг тахминий манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаб беришдир. Уни ишлаб чиқиш сотишлар режасини тузишдан бошланади. Ишлаб чиқариш ҳажми, таннарх, фойда каби корxonанинг бошқа барча иқтисодий кўрсаткичлари сотиш ҳажми ва таннархига боғлиқ бўлади.



2.1.2-чизма. Саноат корхоналари бош бюджетининг поғонавий тузилмаси

Шунингдек, корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг алоҳида тамойиллари ва босқичларини тавсифловчи махсус техник-иқтисодий кўрсаткичлар (ТИК) ҳам операцион бюджет орқали акс эттирилади. Бунда маркетинг бўлимининг маълумотлари асосий ахборот манбаи ҳисобланади.

Корхонанинг операцион бюджетидида даромадлар ва харажатлар миқдор ҳамда қиймат кўринишида ифодаланади.

Операцион бюджетни тузишда қуйидаги бюджетлардан фойдаланилади:

1. Ишлаб чиқариш бюджети;
2. Товар-моддий захиралар ва асосий воситаларни сотиб олиш бюджети;
3. Тайёр маҳсулотлар захиралари бюджети;
4. Давр харажатлари бюджети:
 - а) сотиш харажатлари бюджети;
 - б) маъмурий харажатлар бюджети.

Сотиш харажатлари бюджети стратегик режалаштириш асосида харидорлар имконияти ва маҳсулотлар ҳажмини эътиборга олиб вертикал ҳамда горизонтал тартибда тузилади. Кўпгина ҳолларда сотишлар ҳажми мавжуд ишлаб чиқариш қуввати билан белгиланади.

Сотиш харажатлари бюджетини тузиш бюджетлаштиришнинг мураккаб босқичи ҳисобланади. Бунинг сабаблари қуйидагилардир:

а) маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларига боғлиқ эмас;

б) бозорда назорат қилиб бўлмайдиган ҳамда сотув бюджетига бевосита ва билвосита таъсир қиладиган омиллар жуда кўп.

Бу омилларга қуйидагилар киради:

- рақобатчиларнинг фаолияти;
- миллий ва жаҳон бозоридаги умумий ҳолат;
- харидорлар ва мол етказиб берувчиларнинг молиявий барқарорлиги;

- реклама ва бошқа ҳамкорлик хизматларининг самарадорлиги;
- баҳо сиёсати;
- маҳсулотнинг рентабеллиги.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда сотиш бюджетини тузишда қуйидаги икки усулдан фойдаланилади:

- статистик прогноз (умумқиссий шароитлар, бозор конъюнктураси кабиларнинг графикли математик таҳлили);
- экспертлар баҳоси (сотиш бўлими мутахассислари ва менежерларнинг фикрларини умумлаштириш асосида).

Сотишларнинг режалаштириладиган ҳажми белгиланганидан кейин ишлаб чиқариш бюджети, унинг асосида товар-моддий захиралари ва асосий воситаларни сотиб олиш, маъмурий харажатлар бюджетлари тузилади.

Инвестиция бюджети корxonанинг бюджет давридаги капитал харажатлари ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалари режаси ҳисобланади. Ушбу бюджет тури жорий даврдаги ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ҳ.к.) ҳамда бюджет даврдан четга чиқувчи узоқ муддатли харажатлар (капитал қурилиш, корxonани модернизация қилиш ва шу каби)ни ўз ичига олади. Инвестиция бюджетида корxonанинг бюджетлаштириш давридаги капитал қўйилмалари ва узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни режалаштирилади.

Корхона бош бюджетининг муҳим таркибий қисми молиявий бюджет ҳисобланади. Унинг ёрдамида сотишлар ҳажми ва таннари, даромадлар ва харажатларнинг нисбати, соф фойда, ўз маблагларидан фойдаланиш, инвестиция қўйилмаларининг қопланиш муддати ва бошқалар ҳақида тўлиқ ахборот олинади.

Молиявий бюджет амалиётида “Пул маблағлари ҳаракати бюджети” деб ҳам номланиб, унинг таркибига корxonанинг бюджет давридаги пул маблағларининг кирими ва чиқими, айланма маблағлар ҳаракати бюджети,

шунингдек, тахминий бухгалтерия баланси (корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисобот) киради (2.1.1-жадвал).

Жадвал маълумотларидаги ҳисобот даври охирига пул маблағларининг ижобий қолдиғи 1740,0 минг сўмни ташкил этганлиги корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини оширишга имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Тахминий бухгалтерия баланси корхона активлари ва пасивларининг ҳисобот давригача бўлган ҳолатини акс эттиради. Мазкур баланс шаклини тузиш билан бош бюджетни тайёрлаш жараёни якунланади.

Корхоналарда бюджетларни ўтган йилларнинг ҳақиқий харажатлари асосида амалга оширилади. Бунда режавий ва ҳақиқий кўрсаткичларни таққослашда аниқланган четланишлар келгуси давр учун тузиладиган бюджетда инобатга олинади. Бюджетларни тайёрлашда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

- эҳтиёткорлик ва аниқлик тамойилларига асосланиш;
- мувозанатланган ҳолда тузиш қондасига риоя қилиш;
- моддий, меҳнат ва пул бирликларида баҳоланиш;

Бюджетни тузишда жавобгар қилиб тайинланган ходимнинг масъулият билан ёндашиши талаб қилинади.

Шунингдек, бюджетларни тузиш уларни тайёрлашда қатнашувчи барча бўлинмалар келишуви асосида амалга оширилиши, кейин эса тасдиқлаш учун корхона раҳбариятига тақдим этилиши лозим. Корхона раҳбарияти маъқуллагач бюджет ҳақиқий ҳисобланади. Тасдиқланган бюджетга асосланиб харажат ва даромадларнинг ойлик режалари тузилади. Мазкур режалар корхонада харажатларни бошқариш ва иқтисодий кўрсаткич (сотиш ҳажми, соф фойда, активлар рентабеллиги, фойда меъёри ва ҳ.к.)ларнинг зарурий даражасига эришишга хизмат қилади.

2.1.1-жадвал

Корхонанинг пул маблағлари бюджети кўрсаткичлари (минг сўмда)

Моддаларнинг номлари	2010 йилга	Шу жумладан чорақлар бўйича			
		I	II	III	IV
1	2	3	4	5	6
1. Ҳисобот даври бошига пул маблағлари	1500,0	600,0	440,0	320,0	140,0
2. Ҳисобот даврида пул маблағларининг келиб тушиши	4340,0	975	1200,0	1200,0	965,0
Шу жумладан: маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан	4000,0	900,0	1100,0	1100,0	900,0
Асосий воситаларни сотишдан	-	-	-	-	-
Бошқа жиҳозларни сотишдан	-	-	-	-	-
Қимматли қоғозлар муомалаларидан	60,0	-	30,0	30,0	-
Мулкни бошқа корхоналарга ижараша беришдан	160,0	40,0	40,0	40,0	40,0
Олинган дивидендлардан	-	-	-	-	-
Бошқа тушумлардан	120,0	35,0	30,0	30,0	25,0
Пул маблағлари жами (1қ+2қ)	5840,0	1575,0	1640,0	1520,0	1105,0
3. Ҳисобот давридаги жами тўловлар, шу жумладан:	4550,0	1070,0	1110,0	1430,0	940,0
Хомашё ва материаллар сотиб олишга	2000,0	400,0	500,0	700,0	400,0
Меҳнат ҳақи харажатларига	1000,0	280,0	240,0	240,0	240,0
Солиқлар, йиғимлар ва чегирмаларни ўтказиш тўловларига	200,0	50,0	60,0	40,0	50,0
Маъмурий харажатларга	800,0	200,0	150,0	300,0	150,0
Қурилиш харажатларига	450,0	100,0	100,0	150,0	100,0
Ускуналар ва номоддий активлар сотиб олишга қилинган харажатларга	100,0	40,0	60,0	-	-
Қимматли қоғозлар муомалалари бўйича харажатларга	-	-	-	-	-
Бошқа тўловларга	150,0	80,0	-	20,0	50,0
4. Пул маблағларининг етарлилиги (етишмовчилиги) (1қ+2қ-3қ)	1290,0	505,0	530,0	90,0	165,0
5. Кредит ва бошқа қарзлар олиш	-	-	-	-	-
6. Кредитлар ва бошқа қарзларни қайтариш	100,0	100,0	-	-	-
7. Ҳисобот даври охирига пул маблағлари қолдиғи (4қ-6қ)	1190,0	405,0	530,0	90,0	165,0

Манба: “Cleaning soft” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Қуйида бюджет турларига батафсилроқ изох бериб ўтамыз.

Тезкор (оператив) бюджет. У шунингдек, жорий, даврий бюджет бўлиб ҳам саналади. Тезкор бюджет корхонанинг алоҳида йўналиши учун келгуси йилга мўлжалланган тадбирларни намоён этади. Уни тузиш жараёнида режалаштирилаётган сотув ва ишлаб чиқариш ҳажми корхонада фаолият юритаётган барча бўлинмаларнинг даромадлари ва харажатларининг миқдорий кўринишига айланади. Тезкор бюджет молиявий натижалар тўғрисидаги бюджет ҳисоботини ўз ичига олади. Ушбу ҳисобот сотув бюджети, ишлаб чиқариш бюджети, товар-моддий захиралар бюджети ва тижорат, умумий ва бошқарув харажатлари бюджетларидан тузилади.

Сотув бюджети. Кутилаётган сотув ҳажми энг асосий кўрсаткич бўлганлиги учун бюджетни тузиш жараёни шу кўрсаткични аниқлашдан бошланади ва унинг ўзгариши бошқа кўрсаткичларга бевосита таъсир кўрсатади. Сотув режаси корхона маркетинг бўлими тадқиқотларининг бош йўналиши ҳисобланади. Кўп ҳолларда, сотув ҳажми корхонада мавжуд бўлган ишлаб чиқариш қувватлари билан чекланади. Сотув ҳажми бюджети ва унинг маҳсулот ишлаб чиқариш турлари бўйича таркиби корхонанинг умумий фаолияти ва даражасини белгилаб, бошқа бюджетларга таъсир кўрсатади.

Тижорат харажатлари бюджети. Бу бюджетда келгусида маҳсулот ва хизматларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча кутилаётган харажатлар ўз аксини топади. Тижорат ва транспорт билан боғлиқ айрим харажатлар ўзгарувчан бўлиб, реклама ва ходимларнинг иш ҳақи каби харажатлар доимий ҳисобланади. Тижорат харажатлари бюджетини тузиш ва уни амалга ошириш учун корхонанинг сотув бўлими масъулдир.

Ишлаб чиқариш бюджети. Режалаштирилган сотув ҳажмининг миқдорий сонини ўрнатгандан сўнг кутилаётган сотув ва захираларнинг керакли даражасини таъминлаш мақсадида маҳсулот ва хизматларни қанча

миқдорда ишлаб чиқариш лозимлигини аниқлаш имконияти яратилади. Корхона раҳбарияти тайёр маҳсулот захирасини олдинги ҳолатда сақлаб қолиш ёхуд уни кўпайтириш ёки камайтириш борасидаги тегишли қарорга келиши керак. Тайёр маҳсулот захираси ҳажми, бюджет муддати бошланишидаги мавжуд бўлган маҳсулот ҳажми ҳамда сотув ҳажмига оид маълумотлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш жадвали тузилади.

Хом ашё ҳамда материалларни сотиб олиш ва улардан фойдаланиш бюджети. Хом ашё ҳамда материалларни сотиб олиш ва улардан фойдаланишнинг режадаги эҳтиёжи бир ҳужжатда, шунингдек, алоҳида-алоҳида ҳужжатларда ҳам тайёрланиши мумкин. Кўпгина корхоналар ягона ҳужжатни афзал деб билишади. Бу бюджетда ишлаб чиқариш режасини бажариш учун харид қилиш муддатлари, хом ашё, материаллар ва ярим фабрикатлар турлари ҳамда сони аниқлаштирилади. Хом ашё материалларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш бюджети ва моддий захиралар даражасида кутилаётган ўзгаришлардан келиб чиқади. Ҳар бир дона ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нархи ва унинг сонини кўпайтириш орқали хом ашё материалларини харид қилиш бюджети аниқланади.

Меҳнат харажатлари бюджети. Бу бюджет ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматлар сонини ҳар бир маҳсулот бирлигига ҳамда соатларда сарфланган меҳнат нормасига кўпайтириш орқали топилиб, режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмини бажариш учун зарур бўлган керакли иш вақтини соатларда белгилаб беради. Шу ёки алоҳида бошқа ҳужжатда зарур бўлган иш вақтини соатбай иш ҳақига кўпайтириш орқали пул кўринишидаги меҳнат харажатлари аниқланади.

Умум ишлаб чиқариш харажатлари. Бу бюджет хом ашё ва иш ҳақи харажатларидан фарқли равишда кутилаётган ишлаб чиқариш харажатлари режаси кўринишида бўлади. Бу бюджет қуйидаги икки мақсадни кўзлайди:

1. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича менежерлар томонидан тузилган барча умум ишлаб чиқариш харажатлари бюджетларини бирлаштириш;
2. Ушбу маълумот йиғилганидан сўнг ҳисобот даврида юқорида кўрсатилган харажатлар меъёрини ҳисоблаш ҳамда келгусида ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулот бирлиги бўйича уларни тақсимлаш ёки бошқа ихтиёрий олинган ҳар қандай харажат объектлари бўйича таннархни ҳисоблаш имконини беради.

Умумий ва бошқарув харажатлари бюджети. Бу бюджет ишлаб чиқариш ва сотув харажатларидан фарқли равишда тегишли бандларга ажратилган жорий харажатлар режаси бўлиб, корxonанинг келгусидаги умумий фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Бу бюджетнинг ишлаб чиқилиши пул маблағлари бюджетини тайёрлашда ва уни назорат қилишда ишлатиладиган маълумотни аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, бу маълумот режалаштирилган давр учун корхона фаолиятининг молиявий натижасини аниқлаш учун ҳам ишлатилади. Бу бюджетнинг аксарият бандлари доимий харажатлардан иборат.

Молиявий натижалар тўғрисидаги кутилаётган ҳисобот. Тайёрланган даврий бюджетларга асосланиб, корxonанинг бош менежери ёки бюджетни тузиш бўйича мутахассис хом ашё ва материаллар, меҳнат сарфи ва умум ишлаб чиқариш харажатлари бюджетларидан фойдаланган ҳолда сотилган маҳсулот таннархи истиқболини ишлаб чиқишни бошлаши мумкин. Даромадлар тўғрисидаги маълумотлар сотув бюджетидан олинади. Кутилаётган даромадлар ва маҳсулот сотиш таннархи тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиб ҳамда уларга тижорат, умумий ва бошқарув харажатларидан олинган маълумотларни қўшиб, фойда ва зарарлар тўғрисидаги кутилаётган ҳисоботни ишлаб чиқиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ушбу ҳисоботни тузиш оператив бюджетни ишлаб чиқишда энг якуний қадам ҳисобланади.

Молиявий бюджет. Молиявий бюджет бу молиявий маблағларнинг кутилаётган манбалари ва улардан келгуси даврда фойдаланиш йўналишларини ўзида акс эттирувчи режадир. Молиявий бюджет молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот бюджети билан биргаликда капитал харажатлар бюджети, корхонанинг пул маблағлари бюджети ва уларнинг асосида тузилган бухгалтерия баланси ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот каби ҳужжатларни ўз ичига олади.

Капитал харажатлар бюджети. Капитал қўйилмалар эҳтиёжини аниқлаш ва улар учун инвестиция ресурсларини жалб қилиш бошқарув ҳисобининг комплекс вазифаси ҳисобланади. Бундай қарор қабул қилиш учун танланган мезон асосида инвестиция рентабеллигини аниқлаш билан боғлиқ узоқ муддатли активларни сотиб олиш ёки қуриш масаласини ҳал қилиш муаммоси мавжуд. Узоқ муддатли капитал қўйилмаларга оид маълумот сотиб олиш ёки қуриш харажатларига, шунингдек, кредитлар учун фоиз тўловига, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга, кутилаётган бухгалтерия балансига, асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар, ҳисоб-китоб счётидаги қолдиқни ўзгартириб, пул маблағлари бюджетига таъсир кўрсатади. Шу борада капитал харажатлар бўйича барча қарорлар режалаштирилиши ва умумий бюджетга киритилиши лозим.

Барча жорий бюджетлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Кутилаётган сотув бюджетни тузиш жараёнида дастлабки қадам ҳисобланади. Ундан кейин тижорат харажатлари бюджети ишлаб чиқилади. Шунингдек, хом ашё материалларини харид қилиш ва ундан фойдаланиш бюджети, меҳнат бюджети ва умум ишлаб чиқариш бюджетлари асосида тузиладиган ишлаб чиқариш бюджети кутилаётган сотув ҳажмига боғлиқ. Кўп ҳолларда умумий ва бошқарув харажатлари ҳамда капитал қўйилмалар

бюджети бошқарувнинг юқори даражалари қабул қилинади. Лекин бу маълумотнинг асосий қисми корхонанинг бўлинмалари даражасида қайта ишланади ва даврий бюджетга қўшилади.

Пул маблағлари бюджети. Бу бюджет корхонанинг умумий фаолиятини режалаштириш жараёнида энг асосий бюджетлардан бири ҳисобланади.

Кутилаётган молиявий натижа тўғрисидаги ҳисобот. Умумий бюджетни тайёрлашдаги якуний қадам кутилаётган молиявий натижа ёки корхона учун бухгалтерия баланси лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Пул маблағлари бюджети тайёрлангандан сўнг бюджет даври якуни бўйича кутилаётган пул маблағлари қолдиғи тўғрисидаги маълумотга эга бўлиб ва соф фойда ҳамда зарур бўлган капитал қўйилмалари суммасини аниқлаган ҳолда асосий бюджет тузиш жараёнининг якуний маҳсули бўлган кутилаётган бухгалтерия балансини тайёрлаш имконияти туғилади.

Айнан шу нуқтада бошқарув таклиф этилаётган умумий бюджетни қабул қилиш ёки ушбу режани ўзгартириш ҳамда бюджетнинг айрим қисмларини қайта кўриб чиқиш борасидаги якуний қарорга келиши лозим.

Бюджетнинг бажарилиши бўйича барча масъулиятни ушбу бюджетни тузиш бўйича ижрочи, яъни бухгалтер ўз зиммасига олади. Ривожланган мамлакатларда бу масалани бевосита молиявий менежер бажаради. Ушбу жараённинг муваффақиятли амалга оширилиши иккита муҳим ҳолатни келтириб чиқаради.

Биринчидан, корхонанинг барча масъул шахслари томонидан ўз мақсадларини аниқ билиши ва кутилаётган ҳолатлар тўғрисида аниқ тасавурга эга бўлишлари учун шароит яратилади. Корхона фаолиятига жалб этилган ҳар бир ходим улардан нима кутилаётганлигини билишлари, ўз мақсадларига қандай эришиш мумкинлиги тўғрисида кўрсатмаларга эга бўлишлари зарур.

Иккинчидан, раҳбарият томонидан ана шу бюджет кўрсаткичларининг бажарилиши асосида ходимларни қўллаб-қувватлаш ва моддий рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилиши керак. Бюджетни тузиш жараёни қанчалик қийин бўлмасин, у фақатгина юқори турган раҳбар якуний натижага эришишга ҳақиқатдан ҳам қизиқса, ўрта ва паст даражадаги раҳбарлар бунга ишонч ҳосил қилса, барча бажарилган ишлар учун рағбатлантириш тизими киритилса, буни амалга ошиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Бюджетнинг бажарилишини баҳолаш амалда эришилган натижаларнинг режалаштирилган бюджетдан четланиши таҳлиliga асосланади.

2.2. Пул маблағлари бюджети ва сотиш ҳажмини режалаштириш

Пул маблағлари ҳаракати корxonанинг барча маблағлари айланмасининг самарасини белгиловчи, унга таъсир кўрсатувчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Бош бюджетни ишлаб чиқиш жараёнида аввал барча даврий бюджетлар, хусусан, капитал харажатлар бюджети, кутилаётган фойда ва зарар тўғрисидаги бюджетлар ва шу кабилар тузилганидан сўнг пул маблағлари бюджети тузилади.

Пул маблағлари бюджети (ёки кутилаётган пул айланмалари) бу келгуси даврда бўладиган пул маблағлари тушуми ва тўловлар режаси бўлиб, бош бюджетда кўрсатилган барча келгуси тадбирлар билан боғлиқ пул айланмаларини ўз ичига қамраб олган. Умуман олганда, бу бюджет давр якунидаги пул маблағлари бюджетида кутилаётган якуний сальдо ва бюджет тузилаётган йил ҳар бир ойининг молиявий ҳолатини кўрсатади.

Ана шу бюджет кўрсаткичлари асосида раҳбар ўз корxonаси учун энг кўп ва энг кам пул маблағлари даврларини режалаштириши мумкин.

Пул маблағлари ҳисобидаги қолдиқнинг катталиги молиявий маблағлар тўлиқ самара билан ишлатилмаганлигини билдиради. Кичик қолдиқ корхона ўз вазифалари бўйича тўловларни амалга оширишга қобил эмаслигини кўрсатиши мумкин. Шунинг учун пул маблағларини режалаштиришни пухта ишлаб чиқиш лозим.

Пул маблағлари бюджети икки мақсадни кўзлайди. Биринчидан, у кутилаётган бухгалтерия балансини яқунлаш учун бюджет даври охирига пул маблағлари ҳисоб рақамидаги якуний қолдиқни кўрсатади. Иккинчидан, бюджет даври ичида ҳар бир ойнинг якунига бюджет маблағлари қолдиғининг истиқболини белгилаб, молиявий ресурсларнинг ортиқчалигини ёки етишмайдиган даврларини аниқлайди. Биринчи мақсад умумий бюджетни тайёрлаш жараёнида бу бюджетнинг ўрнини кўрсатса, иккинчи мақсад умумий бюджетни бизнес фаолиятининг барча турларида зарур бўлган молиявий маблағларни бошқариш қуроли сифатида эътироф этади. Бошқача қилиб айтганда, пул маблағларисиз ҳеч қандай бизнес амалга ошмайди.

Пул маблағлари ва тўланиши лозим бўлган тўловларнинг бошқа манбалари ҳам мавжуд.

Кўриб ўтилган мисолда корхонанинг кейинги йил учун пул маблағларининг асосини товарларни сотишдан тушган тушум ташкил этмоқда. Айтиш лозимки, сотув вақтида сотувнинг 60 фоизгача бўлган ҳажми дарҳол тўлаш шарти билан, сотувнинг 2 фоизидан эса тушум тушмайди. Товарларни кредит ҳисобига сотиш ҳажми 38 фоизни ташкил этиб, бу маблағлар кейинги ойда олиниши мумкин. Бу каби барча маълумотлар сотув бюджетидан олинади.

Пул маблағлари бюджетини тайёрлашда хўжалик операцияларининг содир бўлиши вақтида эмас, балки молиявий ҳисоботни тузишнинг муҳим тамойили бўлган амалдаги тушумларнинг ёки пул маблағлари тўловининг вақтига эътибор қаратиш лозим. Ҳар бир корхонада жорий ҳолат тўғрисида

олдинги тажрибалар ва раҳбарият қарорлари асосида кредит ҳисобига сотувдан кутилаётган пул маблағларининг тушуми (фоиз ҳисобида) аниқланади.

Корхонанинг моддий бойликлар сотиб олиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа харажатларни қоплаш бўйича тўлов сиёсатини ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, турли хилдаги тижорат харажатлари каби айрим харажатларнинг тўлови кредит ҳисобига 30 ва ундан ката бўлган муддатга, кўпгина ҳолларда, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари маълум сабабарга кўра узоқ муддатга чўзилмаслиги лозим. Шунингдек, харажатларнинг айрим моддалари, масалан, амортизация пул маблағларини талаб қилмаслигини ҳисобга олиш керак (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал

Пул маблағлари бюджетининг умумий кўриниши ва маълумотлар манбаи.

Пул маблағлари бюджетининг элементлари	Маълумотлар манбаи
Пул маблағлари тушуми:	Сотиш бюджети (нақдга)
- нақд пулга сотишдан	
- кредитга сотишдан	Сотиш бюджети
- бошқа активларни сотишдан	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги прогноз ҳисобот
- олинган қарзлар	Олдинги ойларнинг пул маблағлари бюджети
Пул маблағлари тўлови:	Харид бюджети
- асосий материаллар учун	
- ёрдамчи материаллар учун	Умум ишлаб чиқариш харажатлари ва материаллар хариди бюджетлари
- тўғри меҳнат харажатлари	Иш ҳақи бюджети
- умум ишлаб чиқариш харажатлари (УИЧХ)	УИЧХ бюджети
- тижорат харажатларига	Тижорат харажатлари бюджети
- умумий ва маъмурий харажатлар учун	Умумий ва маъмурий харажатлар бюджети
- капитал харажатлар учун	Капитал харажатлар бюджети
- фойда солиғи тўлови учун	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
- фоизлар бўйича тўловлар учун	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги прогноз ҳисоботи
- қарзларнинг қайтарилишига	Кредит шартномалари

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (бажарилаётган иш, кўрсатилаётган хизмат) сотув бюджетини тайёрлаш бош бюджетни ишлаб чиқиш жараёнининг бошланғич босқичидир. Сотув ҳажми ва унинг товар тузилиши корхона фаолиятининг умумий характерини ва даражасини белгилайди.

Ишлаб чиқариш даражаси узоқ вақт мобайнида барқарор бўлишига қарамасдан, амалдаги дастурлар кўрсаткичларини доимий равишда қайта кўриб тури шва тегишли ўзгартиришларни киритиб бориш талаб қилинади. Чунки корхона миқёсида ўзгариш бўлмаса-да, корхонанинг маҳсулоти сотиладиган ташқи муҳитда (бозорда) ўзгаришлар тез рўй бериши мумкин. Хусусан, янги технологиялар, бозордаги рақобат муҳити ва истеъмолчиларнинг талаб даражаси ўзгаради ва ш.к. Ана шундай ўзгаришларни ўз вақтида ҳисобга олиш ва улар таъсирида амалдаги дастурга ўзгартиришлар киритиш жуда муҳимдир.

Замонавий корхона раҳбари ҳамиша янги дастурларни қабул қила оладиган, яъни таклиф қилинаётган дастур лойиҳаларига нисбатан ижобий ёндашиши лозим. Янги тавсия қилинаётган дастурнинг афзаллигини ифодаловчи омилларнинг ҳар бирини батафсил ўрганиб чиқиши, янги имкониятлар очилиши шубҳасиз бўлганда, уни бошқа дастурлар билан комплекс ҳолда таҳлил қилиши ва оператив тарзда тегишли бошқарув қарорини қабул қила олиши лозим.

Ривожланган мамлакатларда айнан манна шу вазиятда корхона раҳбарлари самарали фойдаланаётган таҳлил усули мавжуд. Бу «самара – харажат» усули деб юритилади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, корхона раҳбари шу масала бўйича мавжуд барча маълумотларни шахсан ўзи ўрганиб, шу дастурни қабул қилиш қанча харажат талаб қилиши ва уни сотиш қанча даромад келтиришига иқдор бўлиши, кутилаётган даромад миқдорини амалдаги дастур кўрсаткичлари билан таққослаши лозимдир.

Нима учун корхона раҳбари шу масалани шахсан ўзи ўрганиб чиқиб, шахсан ўзи қарор қабул қилиши лозим? – деган ўринли савол туғилади. Сабаби, айнан раҳбар ҳисобга олиши лозим бўлган жуда кўп омиллар вужудга келади, уларнинг аксарияти бевосита миқдор жиҳатдан ўлчаш имкони бўлмаганлиги учун мутахассислар аксарият ҳолларда уларни эътибордан четда қолдиришади, яъни ҳисобга олишмайди. Масалан, янги дастурни қабул қилиш корхона имижини кўтариши, атроф-муҳит ифлосланишини камайтириши, меҳнат шароитини яхшилаши, маълумотлар ишончлилиқ даражасини ошириш ва шу каби бевосита миқдор жиҳатдан ўлчаб бўлмайдиган самараларни бериши мумкин.

Жуда кўп корхоналар манна шу масала борасидаги амалиётида дастурларни мувофиқлаштириш тадбирини амалга оширади. Бунинг учун улар даставвал амалдаги дастур ва таклиф қилинаётган лойиҳалар ўртасидаги фарқли томонларни ўрганишади, сўнгра таққослаб кўришади ва ниҳоят, иккаласидаги энг маъқул кўрсаткичлар доирасида мувофиқлаштирилган дастур параметрларини шакллантиришади. Мувофиқлаштирилган дастурлар одатда узоқ муддатга, одатда 2-3 йил, баъзи вақтларда 5-10 йилларга мўлжалланади ва шунга мувофиқ, у олдиндан тайёрланади. Мувофиқлаштирилган дастурнинг муҳим томони шундаки, унга асосан бюджет шаклланиши мумкин бўлади. Аниқроғи, келгусида бўладиган барча тадбирлар аниқ белгиланган бўлади ва бу ўз навбатида, эндиликда ана шу тадбирларнинг амалга ошириш харажатларини сарф-ҳисоб қилиш ва ушбу харажатларни қоплаш манбаларини белгилаш имконини яратади.

Барча корхоналарда сотув бюджетини ишлаб чиқиш режалаштириш жараёнининг энг қийин босқичи ҳисобланади. Сотув ҳажми ва шундан келиб чиққан ҳолда сотувдан тушган даромад нафақат корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари, балки назоратга олинмайдиган омилларнинг таъсиридаги реал бозорда сотиш имкониятлари билан ҳам боғлиқ. Сотув бюджетини тузишда эътиборга олиниши лозим бўлган, лекин ҳисобга олинишида бемалол

ҳисобланиши мумкин бўлган омиллар билан бир қаторда ҳисобланиши мумкин бўлмаган ёки алоҳида ёндашувни талаб қиладиган омиллар мавжуд. Улардан қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- бозорга шу хилдаги ишлаб чиқарадиган рақобатчилар фаолияти;
- корхонанинг миллий ва жаҳон бозоридаги умумий ўрни;
- маҳсулотларни сотиб олувчи харидорлар ва хом ашё ҳамда материалларни етказиб берувчиларнинг муқимлиги;
- корхона имижини кўтаришга ҳамда маҳсулот сотишни таъминлашга қаратилган рекламанинг самараси;
- даврий, мавсумий ва бошқа тебранишлар;
- корхонанинг ишлаб чиқарилган маҳсулот баҳосини шакллантириш (белгилаш) сиёсати;
- сотилаётган маҳсулотнинг рентабеллик даражаси;

Сотув бюджети асосидаги баҳоларни аниқлашнинг иккита асосий усули мавжуд:

1. Умумиқтисодий шарт-шароитлар, бозор конъюктураси ва ишлаб чиқариш ўсишининг эгри чизиғини математик таҳлил қилиш асосида статистик истиқболни белгилаш.

2. Корхона сотишни ташкил этиш бўлими бошқарувчилари ва ходимларининг фикрларини йиғиш орқали олинган эксперт хулосаси. Айрим корхоналарда сотишни ташкил этиш ходимлари томонидан ҳар бир маҳсулот ҳисоблаб чиқилади. Бошқа корхоналарда эса, бутун минтақадаги умумий сотувлар ҳажмини минтақавий бошқарувчилар томонидан ҳисобланади.

Бу усулларнинг ҳар бири ўз ижобий ва салбий жиҳатларига эга. Амалиётнинг кўрсатишича, кўпгина йирик корхоналар бу усулларнинг иккаласидан ҳам мос равишда фойдаланишади. Айрим корхоналар регрессив таҳлил, маҳсулот чиқариш харажатлари ва эконометрик моделлар каби қийин усуллардан фойдаланиш истиқболини тўғри белгилашда қўл келмайди, деган нуқтаи назарга эгалар (2.2.1, 2.2.2-чизма).



2.2.1-чизма. Маҳсулотларни сотиш бюджети.



2.2.2-чизма. Сотилиш бюджетини тузиш.

2.3 Харажатлар ва маҳсулот таннархини режалаштиришнинг хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида харажатларни режалаштириш харажатлар таркиби ва маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг режа таннархини дастлабки баҳолашдан бошланади.

Харажатларни режалаштириш ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган товар-моддий захираларнинг қиймати ва кутилаётган фойда ҳажмини аниқлашда юқори самара беради.

Харажатларни дастлабки баҳолаш эса бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. У қуйидагилар асосида амалга оширилади;

- ишлаб чиқариш ҳажмини аниқ белгилаш;
- маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияси;

- материалларни алмаштириш вариантлари;
- материаллар ва чет корхоналар хизматларининг қулайлигини баҳолаш.

Ишлаб чиқариш харажатлари бюджетини ишлаб чиқиш жараёнида асосан смета ва норматив усулдан фойдаланилади.

Смета усулида корхонанинг барча бўлинмалари режалари асосида корхона миқёсида харажатларнинг йиғма режаси шакллантирилади.

Республикамизда смета усули анча кенг тарқалган усул ҳисобланади. Унинг қўлланилиши комплекс режалаштиришни ягона тизимга келтиришни таъминлайди.

Норматив усул асосида ишлаб чиқариш харажатлари бюджети тузилади.

Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини инобатга олиб, алоҳида маҳсулотлар таннархини харажатларнинг иқтисодий элементлари ва калькуляция моддалари бўйича сметасини тузиш учун шахматли жадвал ишлаб чиқилади.

Харажатларни шахматли жадвали тузилгандан сўнг, корхонанинг фаолият даври учун режалаштирилдиган харажатларнинг йиғма сметаси ишлаб чиқилади.

Ўзбекистонда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни режалаштиришда норматив усулдан кенг фойдаланилади. Норматив харажатлар қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N_x = N_{mx} + N_{mc} + N_{yx}$$

бу ерда:

N_x – маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришнинг норматив харажатлари;

N_{mx} – норматив моддий харажатлар;

N_{mc} – норматив меҳнат харажатлари;

N_{yx} – норматив устама харажатлар.

Норматив устама харажатлар норматив бевосита меҳнат харажатлари бўйича фойдаланади. Норматив меҳнат харажатларидан ишчи

кучи харажатларини режалаштириш мақсадида фойдаланилади, уларнинг ҳажми қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I_{\text{кх}} = N_{\text{мм}} * C_c$$

бу ерда:

$I_{\text{кх}}$ – ишчи кучининг режалаштирилдиган харажатлари;

$N_{\text{мм}}$ – нормалаштирилган маҳсулот миқдори;

C_c – меҳнатга ҳақ тўлаш соатбай ставкалари (мукофотларсиз).

Норматив харажатлардан четланишни баҳолаш ва қуйидаги унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш зарур:

- бевосита ва билвосита харажатларни ўзгариши, сотиб олинган материаллар қийматидаги четланишлар натижасида;
- маҳсулот сифатини таъминлашга сарфланган харажатлар натижасида;
- нормалар ва нормативларни ўзгаришлари натижасида;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, талаб, баҳо таъсири ёки бошқа омиллар натижасида.

Харажатларни дастлабки баҳолаш таннархи юқори ва фойда келтирмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш имконини беради.

Харажатларни баҳолашнинг сўнгги босқичида режалаштириш жараёни стандарт маҳсулот тайёрлаш учун барча зарурий харажатларни ҳисобга олишни назарда тутаяди, чунки янги маҳсулот ишлаб чиқариш катта миқдордаги моддий, меҳнат ва қўшимча харажатларни талаб этади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган тахминий моддий харажатлар маҳсулотлар ва сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар моддий харажатлар нормативидан ва бозор баҳоларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$M_{\text{тх}} = T_{\text{мбб}} * M_{\text{хс}}$$

бу ерда:

$M_{\text{тх}}$ – тахминий моддий харажатлар;

$T_{\text{мбб}}$ – товар–моддий захираларнинг бозор баҳоси;

$M_{\text{хс}}$ – моддий харажатларнинг бир бирлигини нормативи.

Ходимларнинг асосий меҳнат ҳақига кетадиган тахминий харажатлар асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи, умумишлаб чиқариш, маъмурий–бошқариш, сотиш харажатларини режалаштирилган улушини қўшиб аниқланади.

Агар бу улуш бирдан кичик бўлса ҳисоб-китоблар қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$I_{\text{хт}} = \frac{I_0 \cdot (1 + K_{\text{тиж}}) - I_{\text{м}}}{1 + K_{\text{қўш}} + K_{\text{уст}}}$$

бу ерда:

$I_{\text{хт}}$ – ходимларни асосий меҳнат ҳақига сарфланадиган тахминий харажатлар;

$K_{\text{тиж}}$, $K_{\text{уст}}$, $K_{\text{қўш}}$ – тижорат, устама харажатлар таннархига қўшиш ставкалари.

Агар маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган тахминий харажатлар ҳажми кутилган фойдадан ошиб кетса, бу ҳолат маҳсулотни иқтисодий жиҳатдан рақобатбардош эмаслигини англатади ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш чораларини кўриш талаб қилинади.

Маҳсулотни алоҳида турлари таннархини режалаштириш хом ашё ва материаллар, технологик мақсадлар учун фойдаланиладиган ёнилғи ва энергия, меҳнат ҳақи харажатлари нормативларига риоя этишни назарда тутди. Шунингдек, режалаштириш билвосита умумишлаб чиқариш, давр харажатлари ва сотиш харажатлари нормативлари учун ҳам зарур.

Маҳсулот бирлиги тўлиқ таннархи режаси бевосита ва билвосита харажатларни қуйидаги формула бўйича умумлаштиради:

$$I_{\text{хт}} = [M + I_0 \cdot (1 + \frac{K_1 + K_2}{100}) + I_0 \cdot \frac{d}{100} + (I_0 + I_{\text{к}}) \cdot \frac{e}{100}]$$

бу ерда,

T_n – маҳсулотнинг режа таннархи сўм;

M – бевосита материал харажатлари, сўм;

I_o – бевосита меҳнат ҳақи, сўм;

I_k – қўшимча меҳнат ҳақи, сўм;

K_1 – умумишлаб чиқариш харажатлари, %;

K_2 – давр харажатлари, %;

d – ходимларнинг қўшимча меҳнат ҳақи ва мукофотлар фоизи;

e – ижтимоий таъминотга чегирмалар фоизи.

Маҳсулот таннархи режасини ишлаб чиқишда техник, ташкилий ва бошқа омиллар ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш манбалари аниқланади.

Бундай ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариш номенклатураси бўйича ўртача таннарх (T_y), маҳсулот таннархининг ҳақиқий ва режа таннархи ўртасидаги фарқни маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажмига кўпайтмаси сифатида қуйидаги формула орқали топилади:

$$T_y = \sum_{1}^n (T_1 - T_2) * M$$

бу ерда:

T_1 – маҳсулот бирлигининг базавий таннархи;

T_2 – маҳсулот бирлигининг режалаштириладиган таннархи;

M – маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми.

Режалаштириш жараёнида, одатда, жами ва бир бирлик маҳсулот харажатларини аниқлаш зарурияти туғилади. Шу мақсадда барча харажатларни ўзгарувчан ва доимий харажатларга бўлиш қабул қилинган.

Жами таннархга маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришга сарфланган барча харажатлар киради, бир бирлик маҳсулот таннархига эса маҳсулот (иш ва хизмат)лар бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар киритилади. Бир бирлик маҳсулот таннархи – бу харажатларнинг ўртача катталиги бўлиб, у жами харажатларни маҳсулотни ишлаб чиқариш йиллик режасини ташкил этувчи умумий бирликлар миқдорига бўлиш билан белгиланади. Жами ва бир бирлик маҳсулотнинг таннархи билан уларни ташкил этувчи доимий ва ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги аналитик боғлиқлик қуйидаги формулалар билан ифода этилади:

Жами таннарх:

$$T_{ж} = Y_x + D_x * M$$

Бир бирлик маҳсулотнинг таннархи:

$$T_б = \frac{Y_x + D_x}{M}$$

бу ерда,

Y_x – ўзгарувчан харажатлар;

D_x – доимий харажатлар;

M – маҳсулотлар миқдори.

Келтирилган формулалардан кўриниб турибдики, жами таннарх бу маҳсулотни йиллик ҳажмини ишлаб чиқаришга сарфланган доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи – бу жами ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулотлар миқдорига бўлиш орқали аниқланган таннархдир.

Жами харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатлар суммасига тенг, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи ўзгарувчан ва доимий харажатларга алоҳида ҳисоб-китоб қилинган. Ўзгарувчан харажатлар бевосита моддий ва меҳнат харажатлари суммасига тенг. Доимий харажатлар маъмурий-

бошқариш ва маҳсулотни сотиш, шунингдек, бинолар ижараси, умумкорхона аҳамиятидаги биноларнинг эскириши, ходимларнинг меҳнат ҳақини ўз ичига олади. Бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган чегаравий харажатларни ҳисоблаш учун жорий даврдаги жами харажатлар суммасини базис даврдаги харажатлар суммасига бўлиб, уни шу даврдаги маҳсулот ҳажмига кўпайтирилади.

Режалаштирилаётган харажатлар динамикасини омилли таҳлил усули ёрдамида аниқлаш 2.3.1-жадвалда кўрсатилган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, йил давомида маҳсулот ҳажми 10 бирликка ошиб борган. Жами доимий харажатлар 420000 сўм даражасида сақланиб қолган.

Жами ўзгарувчан харажатлар ойлар бўйича ўсиб борган. Омилли таҳлилнинг занжирли боғланиш усулини қўллаб, харажатлар динамикаси базавий ойга нисбатан ҳисоблаб топилади. Мисол, феврал ойида жами харажатлар 434000 сўм бўлса, уни январ ойидаги 428000 сўм жами харажатларга бўлиб, топилган суммани январ ойининг режалаштирилган маҳсулот (15 дона) миқдорида кўпайтирилади ва натижада бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган чегаравий харажатлар топилади. $((434000/428000)*15\approx 15,21)$.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, корхона бир бирлик маҳсулот таннархини ойлар бўйича пасайиши кузатилган. Бунинг сабаби маҳсулот ҳажмининг ортиш интервали билан харажатларнинг ўсиш динамикаси бир текисда бўлмаганлигидир.

Корхона 9-ойда 95 дона маҳсулот ишлаб чиқарганда 556000 сўмлик жами харажатлар ҳажмида энг катта даромад олади. Демак, бу ҳолатда корхона 95 бирлик миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариши мақсадга мувофиқдир.

2.3.1–жадвал

Режалаштирилаётган харажатлар динамикасини жорий йил учун омилли таҳлил усули ёрдамида аниқлаш тартиби, (минг сўм)


Ой-лар	Маҳсулот ишлаб чиқариш	Жами таннарх			Харажатлар динамикаси	Бир бирликнинг таннархи		
		Доимий	Ўзгарувчан	Жами (Т _ж)		Доимий	Ўзгарувчан	Жами (Т _{бир})
1	15	420	8	428	0,0	28,00	0,53	28,53
2	25	420	14	434	15,21	16,80	0,56	17,36
3	35	420	18	438	15,14	12,00	0,51	12,51
4	45	420	20	440	15,07	9,33	0,44	9,77
5	55	420	26	446	15,20	7,64	0,47	8,11
6	65	420	36	456	15,34	6,46	0,55	7,01
7	75	420	45	465	15,30	5,60	0,60	6,20
8	85	420	84	504	16,26	4,94	0,99	5,93
9	95	420	136	556	16,55	4,42	1,43	5,85
10	105	420	206	626	16,89	4,00	1,96	5,96
11	115	420	282	702	16,82	3,65	2,45	6,10
12	125	420	375	795	16,99	3,36	3,00	6,36

Манба: “Cleaning soft” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди


Режалаштирилган жами ва бир бирлик маҳсулотнинг таннархини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигини 2.3.1–чизма ёрдамида таҳлил қилиш мумкин.

Чизмадан кўришиб турибдики, жами маҳсулот таннархи ойлар давомида бир текисда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган, натижада жами маҳсулотнинг таннархи тўғри чизиқ кўринишида бўлган. Бир бирлик маҳсулотнинг таннархи эса ёйсимон кўринишга эга бўлган.

Т жами



Т бир бирл



2.3.1-чизма. Режалаштирилган жами ва бир бирлик маҳсулот таннархининг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги

Демак, маҳсулот ҳажми ортиб бориши билан жами таннарх ортиб боради. Шу билан бирга, бир бирлик маҳсулот таннархи ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ортиши билан қисқариб боради.

III БОБ. Корхоналар бюджетини тузиш муаммолари ва уларни бартараф этиш чоралари

3.1. Мослашувчан ва статик бюджетнинг аҳамияти ва ривожлантириш

Бюджетлар олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ, мослашувчан ва статик турларга ажратилади.

Статик бюджет корхонанинг ишчан фаоллигини муайян даражасида ҳисоб-китоб қилинади. Унда даромадлар ва харажатлар сотишлар даражасидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилади.

Статик бюджет корхона молиявий натижаларининг ҳақиқийлигини ифодалайди ҳамда пул ва фоиз нисбатларидаги кўрсаткичларнинг мутлақ рақамларини таққослашга имкон беради.

Статик бюджет кўрсаткичларини мослашувчан бюджет кўрсаткичлари билан таққослашда сотишнинг ҳақиқий ҳажми эътиборга олинмайди, яъни, натижаларнинг қиёсий таҳлили келтирилади. (3.1.1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ишлаб чиқариш корхонаси статик бюджетда назарда тутилган кўпгина кўрсаткичларга эришмаган.

Статик бюджетда кўрсаткични режалаштириш амалга оширилса, мослашувчан бюджетни тузишда натижаларнинг омилли таҳлил усулидан фойдаланилади.

Мослашувчан бюджетда ишлаб чиқаришнинг режалаштирилган ҳажми тузатиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади. Унда сотиш ҳажмини ҳисоблашнинг бир қанча муқобил вариантларидан фойдаланилади.

**Ишлаб чиқариш корхонасининг 2010 йил учун
статик бюджети, минг сўмда**

№	Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқий	Четланишлар («с», «и»)
1.	<i>Сотиш ҳажми, дона</i>	150	200	50 (и)
2.	Сотишдан олинган тушум	45000	60000	15000 (и)
3.	Ишлаб чиқариш харажатлари	35000	41000	6000 (с)
4.	Маржинал даромад	10000	19000	9000 (и)
5.	Давр харажатлари:	6000	8000	2000 (с)
	Шу жумладан:			
	- сотиш харажатлари;	2000	3000	1000 (с)
	- маъмурий харажатлар	4000	5000	1000 (с)
6.	<i>Операцион фойда (4қ-5қ)</i>	4000	11000	7000 (и)

Манба: “Cleaning soft” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Изоҳ: «(и)» - белгиси ресурслар иқтисод қилинганлиги сабабли ижобий четланишни, «(с)» - белгиси салбий четланишни ифодалайди.

Мослашувчан бюджетда ишлаб чиқариш харажатлари учун аввал маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меъёрлар асосида ҳақиқий сотиш ҳажмига мос келадиган ишлаб чиқаришни режалаштириладиган ҳажми аниқланади. (3.1.2-жадвал)

**Ишлаб чиқариш корхонасининг 2010 йил учун
мослашувчан бюджети, минг сўмда**

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқий бажарил- гани	Ҳақиқий бажарилганга мослашти- рилган бюджет	Ҳақиқий бюджетнинг мослаш- тирилгандан четланиши («с», «и»)
1.	<i>Сотиш ҳажми, дона</i>	3000	3000	-
2.	Сотишдан олинган тушум	300000	445000	145000 (с)
3.	Ишлаб чиқариш харажатлари	210000	350000	140000 (и)
4.	Маржинал даромад	90000	95000	5000 (с)
5.	Давр харажатлари: Шу жумладан: - сотиш харажатлари; - маъмурий харажатлар	55000 33000 22000	58000 33500 24500	3000 (и) 500 (и) 2500 (и)
6.	<i>Операцион фойда (4қ-5қ)</i>	35000	37000	2000 (с)

Манба: “Cleaning soft” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Изоҳ: «(и)» - белгиси ресурслар иқтисод қилинганлиги сабабли ижобий четланишни, «(с)» - белгиси салбий четланишни ифодалайди.

Корхонада жавобгарлик марказлари бўйича мослашувчан бюджетлар тузиш харажатлар ва даромадларни самарали бошқаришга, четланишлар бўйича тезкор чоралар қабул қилишга, ижобий ва салбий четланишларни

режалаштирилган фойда суммасига мос равишда тузатиб боришга имкон яратади.

Шундай қилиб, корхона фаолиятини стратегик режалаштиришда бюджетлаштириш айланма ва молиявий ресурслар, инвестиция фаолияти учун молиялаштириш маблағларини жалб этиш, харажатлар ва даромадлар, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида зарур маълумотлар олиш имконини беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш дастурини тузиш корхона фаолиятини бюджетлаштиришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш дастури маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг йиллик ҳажми, номенклатураси, товарлар ва хизматлар бозори талаби асосида сифат ва муддатни тавсифловчи комплекс режани ўзида намоён этади.

Буюртмачиларнинг талаб ва таклиф қонуни талаблари асосида товарларга бўлган эҳтиёжи, тузилган шартномалар ва буюртмаларнинг мавжуд портфели, шунингдек, маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таклифи корхона ишлаб чиқариш дастурининг асосини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш дастурини тузишда турли усуллар: даражали тахминлаш, вазиятли режалар тузиш, чизиқли дастурлаш, маҳсулот (иш ва хизмат)лар турларини диверсификациялаш (кенгайтириш) қўлланилади.

Даражали тахминлаш сотишлар ва фойданинг кутилган ҳажмини учта: максимал, эҳтимол, минимал нуқталари бўйича аввалдан режалаштиришни назарда тутаяди.

Вазиятли режалаштириш корхона ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш жараёни билан бир қаторда беқарор бозор шароитларида уни амалга оширишда ҳам бир қанча қулайликлар туғдиради.

Ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш, одатда, уч босқичда амалга оширилади:

- 1) бутун корхона учун йиллик ишлаб чиқариш режасини тузиш;
- 2) режалаштирилаётган ҳисобот даври учун устувор мақсадларни аниқлаш;
- 3) йиллик ишлаб чиқариш режасини корхонанинг алоҳида бўлинмалари ёки иштирокчилар бўйича тақсимлаш.

Амалиётда ишлаб чиқариш дастурини режалаштиришнинг “қуйидан юқорига” ёки номарказлашган ҳолда, “юқоридан қуйига” ёки марказлаштирилган ҳолда ва такроран режалаштириш кўринишлари қўлланилади.

Қуйидан юқорига режалаштириш шуни англатадики, бунда ишлаб чиқариш режаси бошқаришнинг қуйи даражасида, яъни, корхона бўлинмаларида ва функционал хизматлар бўйича тузилади.

Юқоридан қуйига режалаштирилганда режалар бутун корхона бўйича ишлаб чиқилади ва бўлинмалар учун тезкор режалаштириш асос бўлиб хизмат қилади.

Такроран режалаштириш корхона раҳбарияти билан барча бўлинмалар ва функционал хизматлар ўртасидаги узвий ўзаро ҳамкорликни назарда тутди.

Корхона ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш маҳсулот сотиш режасини тузишдан бошланади. Унда ҳар бир маҳсулот шунингдек корхона фаолиятининг келгуси даврида амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар кўрсатилади. Бир маромда маҳсулот етказиб берилганда режалаштирилган муддатда сотишлар ҳажмини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$M_c = T_y * C_p$$

бу ерда,

M_c – маҳсулот сотишнинг режалаштирилган ҳажми;

T_y – товарларни ўртача бир кунда сотиш миқдори;

C_p – сотишнинг режалаштириладиган даври (кун, ой, квартал, йил).

Сотишларнинг режалаштириладиган ҳажмини бозор сегментлари бўйича қуйидаги шаклда шартли мисоллар ёрдамида ифодалаш мумкин. (3.1.3-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Х ва Y истеъмолчилар талаби 2007 йилнинг тўртинчи чорагигача ўсиб борган, кейин эса камайган.

Бу каби ҳолатларни чуқур таҳлил қилиш келгусида сотиш режасини тузишда юқори самара беради.

Мавсумий тебранишларга хос беқарор ишлаб чиқаришда сотишлар режаси, одатда, ҳар ойга тузилади. Корхона маҳсулот сотишнинг йиллик режасига товарлар ва хизматларнинг қуйидаги турлари киритилади: ички бозорда маҳсулот сотиш ҳажми, ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар ҳажми, товарларни экспортга жўнатиш ҳажми, тайёр маҳсулот захиралари, ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишлар ва хизматлар миқдори ва ҳ.к.

Жадвал маълумотлари бир вақтнинг ўзида бозор сиғими ва унда ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотлари ҳиссасини акс эттиради. Унга асосланиб келгусида сотишлар ҳажми моддий ва қиймат кўринишида режалаштирилади.

Сотишлар режаси асосий стратегик ва тезкор ҳужжат ҳисобланади. Сотишлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш режалари ўзаро узвий боғлиқдир.

Корхоналарнинг маҳсулот турлари бўйича бозордаги мавқеини баҳолашда 3.1.4-жадвалдан фойдаланилади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш режаси маркетинг тадқиқотлари натижаларини корхона ишлаб чиқариш имкониятлари билан таққослаш асосида ишлаб чиқилади.

Сотишлар ҳажми каби ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган ҳисобот йилининг охирида номенклатура нуқтаи назаридан даврлар бўйича бюджетлаштирилади: биринчи йили – кварталлар бўйича (зарурат туғилганда – ойлар бўйича); иккинчи йили – ярим йилликлар бўйича; кейинги йилларда эса йиллик истиқболли режалар тузилади.

3.1.3-жадвал

*Корхонанинг бозор сегментлари бўйича режалаштирилаётган
савдоси ҳажми*

Истеъмолчилар бўйича бозор сегментлари	Ўлчов бирлиги	2008 й				2009 й		2010 й
		I ч.	II ч.	III ч.	IV ч.	1 я/й.	2я/й.	
А маҳсулот:	тонна							
- X истеъмолчи	тонна	200	300	350	250	500	100	1050
- Y истеъмолчи	тонна	150	200	250	200	350	450	850
- ва ҳ.к.	-	-	-	-	-	-	-	-
Жами		500	850	1100	750	1550	1900	3700
В маҳсулот:	тонна							
- Z истеъмолчи	тонна	1400	1150	2150	2150	4050	5500	11000
- ва ҳ.к.								
Жами	тонна	4300	3450	6500	5050	12500	15050	30500
Ҳаммаси	тонна	4800	4300	7600	5800	14050	16950	34200

Манба: “Cleaning soft” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Мавжуд ва талаб этиладиган захираларни солиштирма таҳлили менежерларни ҳисобот даври давомида ишлаб чиқариш захиралари билан таъминланиш имкониятларини аниқлашга кўмаклашади.

Корхонани ишлаб чиқариш захираларига бўлган талабини қуйидаги шартли мисолларда ифодалаш мумкин (3.1.5-жадвал).

Шундай қилиб, мазкур жадвал маълумотлари асосида корхонанинг товар-моддий захираларига бўлган талабини аниқлаш мумкин. Бу эса, келгусида ишлаб чиқариш режасини тузишда муҳим маълумот манбаи ҳисобланади.

3.1.4- жадвал

Товар бозорида ишлаб чиқариш корхонаси иштирокининг тавсифи

Маҳсулот тури	Ишлаб чиқариш ҳажми (минг сўм)	Бозорга чиқарилган маҳсулот (минг сўм)	Барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бозорга чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажми, (минг сўм)	Ишлаб чиқариш корхонасининг бозорга етказиб берган маҳсулоти улуши, %да
Творог	2900	2635	29360	11,0
Сметана	3100	3898	25991	15,0

Манба: “Cleaning soft” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Меҳнат, умумишлаб чиқариш, маъмурий ва сотиш харажатларидаги талаб ҳам худди шу тарзда аниқланади. Кейин ўтказилган ҳисоб-китоблар асосида инвестициялар – асосий воситаларни сотиб олиш ва айланма капитал ўсишига бўлган умумий талаб аниқланади.

Корхона ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш, одатдагидек, ишлаб чиқариш харажатлари ва ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини режалаштириш билан яқунланади.

Товар моддий захираларга бўлган талабнинг ҳисоб китоби

Товар-моддий захираларнинг турлари	2008 йилги ишлаб чиқариш дастури бўйича моддий захираларга талаб		2009 йилги ишлаб чиқариш дастури бўйича моддий захираларга талаб		Мол етказиб берувчилар
	миқдори	қиймати (млн.сўм)	миқдори	қиймати (млн.сўм)	
Материаллар – хаммаси	12300	485	15400	450	Савдо акционерлик жамиятлари, фермер хўжаликлари
Шу жумладан:					
А – тури	4200	262	4890	264	
Б – тури ва ҳ.к.	3650	148	4760	190	
Сотиб олинadиган ярим тайёр маҳсулотлар – хаммаси	10550	625	11430	870	АЖ «Браво-сут» «Nestle» қўшма корхонаси
Шу жумладан:					
В – тури	3310	245	4315	305	
Жами					

Манба: “Cleaning soft” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

3.2. Иқтисодий таҳлилдан фойдаланган ҳолда бюджетлаштиришнинг самарадорлигини ошириш

Молиявий маълумотлардан фойдаланган ҳолда корхоналар фаолиятига тўғри баҳо бериш муҳим вазифадир. Бухгалтерия баланси – корхона маблағлари ва қоплаш манбаларининг маълум даврдаги ҳолатини кўрсатади. Ҳисоб-китоб ишларини ҳалқаро андоза талаблари бўйича юритишга яқинлаштирилиши ва корхоналар тузадиган янги бухгалтерия баланси бозор иқтисоди сари қўйилган дастлабки қадамдир. Замонавий иш юритиш шарт-шароитига мос келувчи балансда актив ва пассив томонлари бўлади. Иқтисодий таҳлил қилишда, маълумотларни қайта ишлашда турли-туман услублар қўлланилади. Бу услубларни қўллаш жараёнида таҳлил методининг асосий хусусиятлари комплекс ва системалашганлиги яққол кўринади. Хўжалик жараёнларининг умумий бирлиги, кетма-кетлиги ва айрим элементлардан иборатлиги таҳлил қилишда асосий эътиборда туради.

Таҳлил усулларини қўллаш ўрганилаётган жараёнларни бир-бирига боғлиқлиги, ўзгариш сабаби, таъсир кўрсатган омиллар ва қўшимча сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аксарият етук иқтисодчи олимларимиз таҳлилнинг усулларини иқтисодий адабиётларда шартли равишда икки гуруҳга ажратиб кўрсатишмоқда. Молиявий ва бошқарув таҳлилининг усулларини қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Оддий-анъанавий (одатдаги) усуллар гуруҳи;
2. Иқтисодий-математик усуллар гуруҳи.

Оддий-анъанавий (одатдаги) усуллар гуруҳига иқтисодий таҳлил пайдо бўлгандан кейин қўлланилиб, анъанага айланиб, амалий тажрибала кенг қўлланилиб келаётган усуллар киритилади. Улар таркибига мутлоқ ва нисбий фарқларни аниқлаш усули, таққослаш усули, гуруҳлаштириш усули,

балансли боғланиш усули, занжирли боғланиш усули, индекс усули, фоизлар фарқ усули ва ҳоказо усулларни киритишимиз мумкин бўлади.

Иқтисодий-математик усуллари иқтисодий ахборотларни электрон ҳисоблаш машиналарда ҳисоблаш ва қайта ишлаш, бу маълумотларни тез муддатда бошқарув ходимларига узатиш ишлари бошланганда қўлланилади. Иқтисодий-математик усуллар гуруҳига одатда, корреляцион ва регрაციон таҳлил усули, назарий ўйин (назарий хизмат кўрсатиш) усули, иқтисодий ташҳис қўйиш усули, интеграл усули, функционал қийматли таҳлил усули, чизиқли программалаштириш усули, графикли усул, эврестик таҳлил усули ва ҳақозо усулларни киритишимиз мумкин бўлади.

Иқтисодий-математик усуллари иқтисодий ахборотларни электрон ҳисоблаш машиналарда ҳисоблаш ва қайта ишлаш, бу маълумотларни тез муддатда бошқарув ходимларига узатиш ишлари бошланганда қўлланилади. Иқтисодий-математик усуллар гуруҳига одатда, корреляцион ва регрაციон таҳлил усули, назарий ўйин (назарий хизмат кўрсатиш) усули, иқтисодий ташҳис қўйиш усули, интеграл усули, функционал қийматли таҳлил усули, чизиқли программалаштириш усули, графикли усул, эврестик таҳлил усули ва ҳақозо усулларни киритишимиз мумкин бўлади. Иқтисодий-математик усулларни бугунги кундаги айрим иқтисодий адабиётларда омилли таҳлил усуллари ҳам деб номланмоқда. Чунки, мазкур усуллар орқали маълум бир иқтисодий ҳодиса ва жараёнга таъсир этувчи бир нечта омилларнинг таъсирини аниқ миқдорларда аниқлаш имконияти мавжудлигидадир.

Иқтисодий-математик усулларни қўллаш асосида қуйидагиларга эришишимиз мумкин:

- Таҳлилни бажариш муддати тезлашади;
- ўзгаришлар ва уларнинг таъсирини аниқ ҳисоблаш мумкин бўлади;
- оддий-анъанавий усуллар билан ҳисоблаб бўлмайдиган мураккаб омиллар ва кўп омилли кўрсаткичларни тўлиқ ўрганиш имкони туғилади;

- ҳар бир таъсир этувчи омилнинг миқдор ва сифат жиҳатларини аниқ кўрсатиб бериш имконияти туғилади;

- ҳисоблаш техникаларидан фойдаланиш осонлашади ва ҳақозолар.

Иқтисодий таҳлилдан фойдаланган ҳолда корхоналар фаолияти самарадорлигини бирмунча ошириш мумкин, масалан «Кафолат» ДАСКнинг 2006 ва 2010 йиллар оралиғидаги юритган фаолиятини оладиган бўлсак деярли барча кўрсаткичлар 2006 йилга нисбатан 2010 йилда бир неча баробар юқори бўлганини кўришимиз мумкин. Ташкилотнинг биргина устав жамғармасини оладиган бўлсак, бу жамғарма 2006 йилда 1225,0 млн.сўм бўлган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 775,0 млн.сўмга ошди, 2008 йилда яна 500,0 млн.сўмга ошди, 2009 йил давомида ўзгармади, 2010 йилга келиб эса бирданига 8200,0 млн.сўмга, яъни 5700,0 млн.сўмга ошди (1-иловага қаранг). Устав жамғармасининг бирданига юқори кўрсаткичга етиши ижобий ҳолат бўлиб, инвесторларнинг ҳамда акционерларнинг ишончини ошишига хизмат қилади. «Кафолат» ДАСКнинг инвестиция фаолиятига назар соладиган бўлсак, сўнгги йиллар давомида инвестиция қўйилмалари ва ундан олинаётган даромаднинг жадал суръатларда ўсишни кўришимиз мумкин (2,3- иловага қаранг).

Ташкилот балансини ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга назар соладиган бўлсак, унда ташкилот фаолиятининг самарадорлиги ошганини кўришимиз мумкин (3.2.1, 3.2.2-жадвал). 2009 йил ҳисобот йилини «AUDIT-INCOME» МЧЖ Аудиторлик ташкилоти томонидан текширилганда аудитор томонидан қуйидаги фикрлар баён этилди: «Бизнинг фикримизча «Кафолат» ДАСК томонидан 2009 йил учун тузилган бухгалтерия ҳисоботи шундай тузилганки, унда 2009 йил ташкилот фаолиятининг умумий натижаларини ва 2009 йил учун молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни ўзида акс эттиради. Хўжалик юритувчи субъектнинг содир этган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон

Республикаси Қонунчилиги ва Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари талабларига мувофиқдир»¹.

«Кафолат» ДАСК активлари таҳлилига келадиган бўлсак ташкилотнинг активлари ҳам сўнгги йилларда, яъни 2006 йилда 3914,0 млн.сўмни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 16515,40 млн.сўмга етди (4-иловага қаранг).

Суғурта мукофотлари йиғими 2006 йилда 2816,5 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 11722,8 млн.сўмни ташкил этди (5-иловага қаранг).

Суғурта жавобгарлиги бўйича эса 2006 йилда 580,1 млрд.сўмни ташкил этиб, 2010 йилда 2151,6 млрд.сўмни ташкил этди (6-иловага қаранг).

Суғурта қопламалари эса 2006 йилда 221,3 млн.сўмни ташкил этиб, 2010 йилга келиб 1029,5 млн.сўмни ташкил этди (7-иловага қаранг)

Суғурта захиралари 2006 йилда 1269,5 млн.сўм бўлган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 6490,6 млн.сўмни ташкил этди (8-иловага қаранг).

Суғурта портфелига назар соладиган бўлсак, ихтиёрий суғурта бўйича 4876,7 млн.сўм миқдорида суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, жами йиғилган мукофотнинг 41,6% ини ташкил қилади (11-иловага қаранг). Шу жумладан: мулкый суғурта бўйича 3823,3 млн.сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, у ихтиёрий суғурта бўйича йиғилган жами мукофотнинг 78,4% ини ташкил қилади, шахсий суғурта бўйича 980,2 млн.сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, у ихтиёрий суғурта бўйича йиғилган жами мукофотнинг 20,1% ини ташкил қилади, жавобгарлик суғуртаси бўйича 71,4 млн.сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, у ихтиёрий суғурта бўйича йиғилган жами мукофотнинг 1,5% ини ташкил қилади (9-иловага қаранг). Шахсий суғуртани таркибига назар солсак, унда бахтсиз ҳодисалардан суғурта 817,5 млн.сўм миқдорда мукофот йиғилган бўлиб, 83,4% улушга эга, касаллик суғуртаси

¹ «Кафолат» ДАСК (ОАЖ) 2009 йил учун тузилган йиллик ҳисоботи.

бўйича 32,3 млн.сўм бўлиб, 3,3% улушга, хорижга чиқувчини суғуртаси 60,8 млн.сўм бўлиб, 6,2% улушга ва бошқа суғурта турлари бўйича эса 69,6 млн.сўм мукофот йиғилиб 7,1% улушга эгадир (10-иловага қаранг). Жавобгарлик суғуртаси ҳам сўнгги йилларда юқори суръатларда ривожланмоқда (12-иловага қаранг).

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ушбу ташкилотнинг фаолияти натижасида олаётган даромадлари ижобий, қилаётган харажатлари ҳам қонун талабларига мос келади. Биз шуларни ўрганган ҳолда «Кафолат» ДАСК (ОАЖ)нинг келгуси йил учун бюджетлаштириш режасини тузганда харажатлар бўлимидаги суғурта тўловлари бандига ажратиладиган маблағлар миқдорини шартли равишда, эҳтимоллар назариясига таянган ҳолда 5 баробар оширишни таклиф қиламиз. Сабаби, «Кафолат» ДАСК (ОАЖ) сўнгги йилларда суғурта бозорида ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлишга улгурган. Сўнгги 5 йил давомида «Кафолат» ДАСК (ОАЖ)нинг Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорида хиссаси 7 % ни, аҳоли билан ишлаш ва шахсий суғурта сегментлари бўйича ушбу кўрсаткич 16-17% ни ташкил қилади.

Компаниянинг тузилган суғурта шартномалари бўйича жавобгарликни тўлиқ ва ўз вақтида олиб боришга интилиши суғурта ҳодисалари бўйича тўловларни ошиши билан тасдиқланади. 2009 йилда суғурта қопламалари тўловлари бўйича 2020 та аризалар назорат қилинди. Компания томонидан кунига 6-7 суғурта қопламалари бўйича тўловлар амалга оширилди, жами умумий сумма 1,0 млрд.сўмни ташкил қилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 73,2 % га ошган.

(3.2.1-жадвал)

«Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси (ОАЖ)нинг

2011 йил 1 январь ҳолатига

БАЛАНСИ¹

(минг сўмда)

Т/р	Кўрсаткичларнинг номланиши	2010 йил	
		Актив	Пассив
1	Асосий воситалар	1511154,6	
2	Капитал ва молиявий қўйилмалар	1780252,3	
3	Захиралар ва бошқа активлар	311202,3	
4	Пул маблағлари ва эквивалентлар	6983032,0	
5	Бюджет билан ҳисоб-китоблар	82036,4	
6	Бошқа дебиторлар	5847711,5	
7	Устав капитали		8200005,5
8	Захира жамғармаси		1274532,6
9	Суғурта захиралари ва махсус белгиланган бошқа жамғармалар		6278806,9
10	Тақсимланмаган фойда		251132,3
11	Келгуси давр даромадалри		
12	Келгуси давр харажатлари захираси		
13	Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар		
14	Ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар		510911,8
	Баланс	16515389,1	1655389,1

¹ «Кафолат» ДАСК (ОАЖ)нинг 2010 йил учун тузилган йиллик ҳисоботи.

(3.2.2-жадвал)

«Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси
(ОАЖ)нинг 2010 йил бўйича
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ¹
(минг сўмда)

Т/р	Кўрсаткичларнинг номланиши	2010 йил	
		Даромадлар	Харажатлар
1	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	10072824,4	
2	Қўшимча қиймат солиғи		
3	Ишланмаган мукофот захиралари		1329912,0
4	Қайта суғурталаш бўйича берилган мукофот		476322,6
5	Сотишдан олинган соф тушум	8266589,8	
6	Ишлаб чиқариш таннархи		3889960,8
7	Маъмурий харажатлар		4031121,3
8	Муомила даромадлари ва харажатлари	76042,1	272750,6
9	Суғурта захиралари		634859,0
10	Бошқа даромадлар ва харажатлар	987694,8	86571,6
11	Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда	415063,4	
12	Солиқ тўлагунга қадар фойда	415063,4	
13	Фойдадан солиқ		109919,8
14	Бошқа солиқлар		54030,5
	Ҳисобот давридаги соф фойда	251113,1	

¹ «Кафолат» ДАСК (ОАЖ)нинг 2010 йил учун тузилган йиллик ҳисоботи.

Хулоса ва таклифлар

Ҳозирги кунда давом этаётган жаҳон молиявий иқтисодий-инқирози шароитида корхона ва ташкилотларни фаолият юритишини ўзи бир муаммо даражасига етган. Шунга қарамасдан мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида юртимиз ривожланиш йўлини давом эттирмоқда. Президентимиз И.А. Каримовнинг 2010 йил мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб 2011 йил 21 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида келтирилган маълумотлар мамлакатимиз ривожининг яққол мисоли бўлиб хизмат қилади.

Ушбу диссертацияда амалга оширилган тадқиқот натижалари қуйидаги илмий асосланган хулосаларни чиқариш имкониятини яратди.

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида бюджетлаштириш жараёнини корхонани бошқариш жараёнининг умумий схемаси билан интеграциялашуви амалга оширилди;

2. Корхона молияси, пул маблағларини бошқаришнинг фойдалилигини оширадиган корхона бюджетини тузиш ҳамда уни корхона фаолиятига таъсири очиб берилди;

3. Корхона фаолиятини режалаштиришга таъсир этувчи бюджетлаштиришни аҳамияти, истиқболи ва ўрни ўрганилди;

4. Корхоналарда харажатларни режалаштириш муаммолари очиб берилди;

5. Бюджетлаштириш ёрдамида бу муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

«Кафолат» ДАСК (ОАЖ) сўнгги йилларда суғурта бозорида ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлишга улгурган. Сўнгги 5 йил давомида «Кафолат» ДАСК (ОАЖ)нинг Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорида ҳиссаси 7 %

ни, аҳоли билан ишлаш ва шахсий суғурта сегментлари бўйича ушбу кўрсаткич 16-17% ни ташкил қилади.

Суғурта портфелига назар соладиган бўлсак, ихтиёрий суғурта бўйича 4876,7 млн.сўм миқдорида суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, жами йиғилган мукофотнинг 41,6% ини ташкил қилади. Шу жумладан: мулкӣ суғурта бўйича 3823,3 млн.сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, у ихтиёрий суғурта бўйича йиғилган жами мукофотнинг 78,4% ини ташкил қилади, шахсий суғурта бўйича 980,2 млн.сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, у ихтиёрий суғурта бўйича йиғилган жами мукофотнинг 20,1% ини ташкил қилади, жавобгарлик суғуртаси бўйича 71,4 млн.сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, у ихтиёрий суғурта бўйича йиғилган жами мукофотнинг 1,5% ини ташкил қилади. Шахсий суғуртани таркибига назар солсак, унда бахтсиз ҳодисалардан суғурта 817,5 млн.сўм миқдорда мукофот йиғилган бўлиб, 83,4% улушга эга, касаллик суғуртаси бўйича 32,3 млн.сўм бўлиб, 3,3% улушга, хорижга чиқувчини суғуртаси 60,8 млн.сўм бўлиб, 6,2% улушга ва бошқа суғурта турлари бўйича эса 69,6 млн.сўм мукофот йиғилиб 7,1% улушга эгадир. Жавобгарлик суғуртаси ҳам сўнгги йилларда юқори суръатларда ривожланмоқда.

Компаниянинг тузилган суғурта шартномалари бўйича жавобгарликни тўлиқ ва ўз вақтида олиб боришга интилиши суғурта ҳодисалари бўйича тўловларни ошиши билан тасдиқланади. 2009 йилда суғурта қопламалари тўловлари бўйича 2020 та аризалар назорат қилинди. Компания томонидан кунига 6-7 суғурта қопламалари бўйича тўловлар амалга оширилди, жами умумий сумма 1,0 млрд.сўмни ташкил қилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 73,2 % га ошган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ушбу ташкилотнинг фаолияти натижасида олаётган даромадлари ижобий, қилаётган харажатлари ҳам қонун талабларига мос келади. Биз шуларни ўрганган ҳолда «Кафолат» ДАСК (ОАЖ)нинг келгуси йил учун бюджетлаштириш режасини тузганда

харажатлар бўлимидаги суғурта тўловлари бандига ажратиладиган маблағлар миқдорини шартли равишда, эҳтимоллар назариясига таянган ҳолда 5 баробар оширишни таклиф қиламиз. Сабаби, суғурта фаолияти рискинни олдиндан ҳеч ким айтиб бера олмайди, чунки суғурта ўз номи билан ҳам бахтсиз ҳодисаларни қоплашга хизмат қилади. Шундай экан суғурта компаниялари хамиша захирада тўлов қобилиятини намоён этувчи суммани ушлаб туриши керак. Мисол тариқасида айтганда, келгуси йил учун бюджет тузганда суғурта тўловлари бўйича 500,0 млн.сўм миқдорида пул маблағлари режалаштирилди, лекин, суғурта хавф хатарга бой соҳа бўлгани сабабли, бир неча ҳодисалар юз бериб, суғурта мажбуриятлари бўйича ҳақиқатда 1500,0 млн.сўмлик тўловга мос келади. Шу сабабли суғурта компанияларида корхона бюджетини тузишда, суғуртани хавф хатарлилик даражаси эҳтимоли айтиб бўлмас даражада бўлгани учун харажатлар қисмининг тўловлар бандига акс эттириладиган суғурта тўловлари бўйича ажратиладиган суммани 500,0 млн.сўм эмас, балки маълум бир рақамлар оралиғида, яъни 500,0-2500,0 млн.сўм оралиғида олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз тадқиқот натижасида «Кафолат» ДАСК (ОАЖ)нинг бюджетини тузишда харажатлар бўлимида суғурта тўловлари бандига акс эттириладиган суммани ўтган йилги суммадан 5 баробар юқори қилиб белгилаш, яъни 500,0-2500,0 млн.сўм миқдорида белгилаш таклиф қилинади.

Компанияда бюджетлаштириш жараёнини бошқарув жараёнининг умумий схемаси билан интеграциялашувига келиши учун корхонада бюджет тузишни асосий ўринлардан бирига қўйишни таклиф этилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 й. 8 декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган (2011 йил 4 январдаги ЎРҚ-278-сон Қонун асосида ўзгартиришлар билан).
3. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1992 й. 9 декабр.
4. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т., 1996 й. 30 август.
5. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.
6. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари.

7. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-1467 сонли Фармойиши. «Халқ сўзи» 1996 йил 31 май.
8. Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Халқ сўзи» 1998 йил 9 феврал.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-29-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. 2005 йил 6 октябр.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-475-сонли Қарори.

1.3. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий ҳужжатлари.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тўлдирилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 140-сонли буйруғи.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги «Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 54-сонли қарори (2010 йил 17 февралдаги 22-сонли қарор асосидаги ўзгартиришлар билан).

15. «Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида (ЎЗР 15.10.2003 й. 444-сон Қарори).

16. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандартлари. – Т.: Ўз БАМА. 1999.

17. «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидалари». Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 19.03.2009 йилдаги 37-сонли буйруғи.

II. Президент И.А. Каримов асарлари

18. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон. 1998. – 686 б.

19. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т.: «Ўзбекистон», 1995 йил.

20. Каримов И.А. «Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили». Т.: «Ўзбекистон», 1995 йил.

21. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи». 2002 йил 30 август. №183-184.

22. Каримов И.А. «Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби». – Т.: «Ўзбекистон», 1997 й. 348 б.

23. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

24. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

25. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

26. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

27. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009 й.

28. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2010 йил «Ҳалқ сўзи» газетаси.

29. Каримов И.А. барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. «Ҳалқ сўзи». 2011 йил, 22 январь.

III. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар.

30. Воҳобов А.В., Ибрагимов А.Т. Молиявий таҳлил. – Т.: Ўзбекистон, 2002 йил.

31. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш. Т.: Ўқитувчи. 2004. 100 б.

32. Воҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. – Т.: Шарқ, 2005 йил.

33. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Т.: Иқтисод-молия. 2005 й. 308 б.

34. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2008 й. 252 б.

35. Страхование: учебник для студентов, обучающихся по специальностям «Финансы и кредит», «Бухгалтерский учет, анализ и аудит». Под.ред.В.В.Шахова. – М.: изд-во «ЮНИТИ-ДАНА», 2009. – 511 стр.

36. Организационно-методические основы формирования системы бюджетирования на промышленных предприятиях : на примере Республики Дагестан Автор: Абдурахманова, Камила Магомедовна Махачкала , 2007

37. Совершенствование бюджетного управления на предприятиях машиностроения. Автор: Бахвалов, Сергей Юрьевич. Набережные Челны, 2002.

38. Модели и механизмы оперативного бюджетирования предприятия Автор: Виноградова, Нина Сергеевна Воронеж , 2006.

39. Формирование механизма бюджетирования деятельности торгового предприятия с учетом оборачиваемости активов и обязательств. Автор: Захарченко, Владимир Александрович Самара , 2007.

40. Управление затратами промышленного предприятия на основе бюджетирования Автор: Знахарчук, Анна Владимировна Белгород , 2004.

41. Формирование системы оперативного контроллинга строительного предприятия на основе бюджетирования Автор: Козлова, Евгения Васильевна Казань , 2006.

42. Бюджетирование на промышленных предприятиях как условие их финансовой устойчивости Автор: Лоничкина, Наталья Валентиновна Ростов-на-Дону , 2006.

43. Бюджетирование как комплексная система управления деятельностью промышленного предприятия в условиях развития рыночных отношений : На примере деревообрабатывающей отрасли Автор: Манукян, Лусинэ Сурени Москва , 2005.

IV. Афторефератлар ва бошқалар

44. Ўразов Б.К. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия хисобининг назарий ва методологик муаммолари: Иқт.фан.док. дис....автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2006. – 36б.

45. Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: Иқт.фан.док. дис...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2007. – 33б.

46. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

47. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

48. «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси (ОАЖ)нинг йиллик ҳисоботлари.

V. Интернет сайтлари

49. www.accountingweb.com

50. www.fmc.uz

51. www.kafolat.uz

52. www.mf.uz

53. www.norma.uz

54. www.tfi.uz

55. www.UzReport.com

56. www.expert.ru

VI. Илмий мақола ва тезислар

57. Бакаев.А.С. Годовая бухгалтерская отчетность организации // Бухучет, 1997, 1.-с.37.

58. Ефимова О.В. Годовая отчетность для целей финансового анализа // Бухучет, 1998, №2.

59. Кирьянова З.В., Одишушкина Е.В. Как трансформировать российскую отчетность в соответствии с ГААР // Бухучет, 1998, №3. –с.89.


60. Ковалев. В.В. Стандартизация бухучета: международный аспект // Бухучет, 1997, №11 – с.29.

61. Панина Т.Г. Подготовка и престаление информации в финансовой отчетности // Бухучет, 1998 №6. с.96.


62. Расулов Ж.Р. Суғуртада ахборот технологиялари. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида «Молия банк, солиқ, суғурта, қимматли қоғозлар бозори, инвестиция, бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимларини такомиллаштириш масалалари»га бағишланган магистрантларнинг X анъанавий илмий-амалий конференцияси. Тошкент 2010 йил 15 май.

63. Расулов Ж.Р. Жаҳон молиявий инқирози шароитида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида «Молия банк, солиқ, суғурта, қимматли қоғозлар бозори, инвестиция, бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимларини такомиллаштириш масалалари»га бағишланган магистрантларнинг XI анъанавий илмий-амалий конференцияси. Тошкент 2011 йил 18 май.

Устав жамғармасы (млн.сўмда)




Инвестиция қўйилмалари (млн.сўмда)




¹ «КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² «КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Инвестиция даромадлари (млн.сўмда)




Активлар (млн.сўмда)




¹ «КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² «КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Суғурта мукофотлари йиғими (млн.сўмда)




Суғурта жавобгарлиги (млрд.сўмда)




¹ «КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² «КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Суғурта копламалари (млн.сўмда)




Суғурта захиралари (млн.сўмда)




¹ «КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² «КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Суғурта портфели тузилмаси (млн.сўмда)




Шахсий суғуртанинг таркиби




¹ «КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² «КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Суғуртанинг мажбурий ва ихтиёрий турлари бўйича улушлари



Жавобгарлик суғуртасининг таркиби



¹ «КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² «КАФОЛАТ» ДАСК (ОАЖ) ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.